

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВ АНВАР ГУЛЯМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ
БЮДЖЕТИ ҒАЗНАЧИЛИК ИЖРОСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Магистр даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

ТОШКЕНТ -2015

МУНДАРИЖА

Кириш.....

I-боб. Давлат бюджети ғазначилик ижросининг моҳияти.....

1.1. Давлат бюджети ғазначилик ижросининг назарий-услубий асослари.....

1.2. Давлат бюджети ғазначилик ижросининг зарурлиги.....

1.3. Хорижий мамлакатларнинг Давлат бюджети ғазначилик ижросини такомиллаштириш борасидаги тажрибаси ва ундан Ўзбекистон бюджет амалиётида фойдаланиш имкониятлари....

II-боб. Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси амалиёти.....

2.1. Давлат бюджети ғазначилик ижросининг миёрий-ҳуқуқий асослари.....

2.2. Давлат бюджети ғазначилик ижросининг амалдаги ҳолати.....

III-боб. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ғазначилик ижросини такомиллаштириш истикболлари.....

3.1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ғазначилик ижросини такомиллаштириш борасидаги муаммолар.....

3.2. Давлат бюджети ғазначилик ижросини такомиллаштириш йўллари.....

Хулоса ва таклифлар.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Иловалар.....

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Мустакилликка эришгандан сунг Ўзбекистон Республикасида жамият тараккиётининг барча жабхаларида, энг аввало иктисодий сохада ислохатларни янада чукирлаштириш ва эркинлаштириш борасида аник дастур ишлаб чикилган. Бу дастурни жарий этишдан кузланган асосий мақсад Ўзбекистоннинг демократик ва бозор ислохатларни амалга ошириш, жахон ҳамжамиятига кенг интеграциялашуви ва баркарор олга бориш учун мустахкам замин яратишдир.

Иктисодиёт соҳасида асосий эътиборни институционал узгаришларга, молия ва банк тизимини ислох этишни янада чуқурлаштиришга, ривожланган бозор инфратузилмасини яратишга, ракобат мухитини шакиллантиришга қаратмоғимиз даркор. Ислом Каримов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18 декабр 2006 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиктисодий курсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тугрисида»ги қарорида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги қуйидагиларни назарда тутган ҳолда 2007 йилда Давлат бюджетининг Газна ижроси механизмининг янада кенгрок тарғиб этишчора-тадбирлари амалга оширилиши курсатиб утилган.¹

Ўзбекистон Республикаси жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибасини чуқур урганиш натижасида қабул қилган, узиға ҳос миллатимизнинг менталитетидан келиб чиққан ҳолда, миллий қадриятларимизни уз ичига олувчи бешта тамоилға асосланади. Албатда бу вазифани амалга оширишда сиёсатини тугри юритиш бюджет маблағларидан тугри ва оқилона фойдаланиш мақсадға мувофиқ бўлади.

Диссертация иши мавзуининг долзарблиғи ва изланишнинг асосий йўналишлари қуйидаги омиллар билан белгиланади:

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18 декабр 2006 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиктисодий курсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тугрисида»ги ПҚ-532-сонли қарори асосида

1. Ўзбекистон Республикаси томонидан август 1991 йилдан сиёсий мустақиллик йўлининг танланиши ва мустақил миллий молия-кредит тизими, бюджет ва солиқ сиёсатининг юритилиши, 1 январь 2001 йилдан "Бюджет тизими тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида қабул қилиниши билан бюджет тизимининг янги моделига ўтилиши ва бюджет амалиётининг сифат жихатидан янги босқичга ўсиб ўтиши.

2. Иқтисодиётнинг ва хусусан давлат молиясини бошқариш-нишга ўтиш даврига хос бўлган молиявий-иқтисодий зиддиятлари, бюджет ижроси давлат бюджетининг самарали ижросини таъминлаш каби муаммоларнинг давлат глобал вазифалари сифатидаги аҳамиятининг ўсиши.

3. Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларининг шаклла-нишига оид туб иқтисодий ислохотлар ўтказилиши давлатнинг молия-бюджет ва солиқ сиёсатини тубдан қайта қуришни, такрор ишлаб чиқариш жараёнида бюджет ижроси ролининг ўзгаришини талаб этганлиги.

4. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда бюджет тизими ролининг ўсиши билан ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида молия механизмининг фаоллашуви, давлатнинг молия-бюджет ва солиқ сиёсати, бюджет орқали тартибга солиш, молиявий мустақиллик ва бюджет даромад базасининг мустаҳкамланиши каби муаммолар юзасидан илмий асосланган қарорлар қабул қилишнинг етишмаслиги.

5. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнига бюджет қурилиши, бюджет жараёни, давлат бюджети самарали ижросини таъминлашнинг ҳозирги замон муаммоларини тадқиқ этувчи назарий ишланмалар ва амалий асосларнинг сезиларли даражада замон талабидан ортида қолаётганлиги, ушбу муаммолар бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқишнинг зарурлиги.

Мазкур изланиш мавзуининг долзарблигини яна шу нарса тасдиқлайдики, ушбу муаммоларни ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳамда Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий

ислоҳотларни чуқурлаштириш ва макро-иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг 1996-2000 ҳамда 2005 йилларга мўлжалланган Комплекс Дастурида алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети самарали ижросини таъминлаш юзасидан ислоҳотлар қуйидаги долзарб масалаларни ўз ичига олиши лозим: давлатнинг марказлашган молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; бюджет жараёни ва янги бюджет таснифини такомиллаштириш; иқтисодиёт муаммолари ва бюджет самарали ижросини таъминлаш механизмини яратиш. Ушбу магистрлик диссертация ҳажмининг чекланганлиги ушбу барча муаммоларни батафсил ёритиш имконини бермайди. Шунинг учун мазкур ишимизда биз фақатгина давлат бюджети ижроси самарадорлигини ошириш муаммоларини ўрганиш билангина чекландик.

Молия-бюджет ислоҳотларини ўтказиш жараёни, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда улар ролини ошириш ва шу билан бир вақтда улар молиявий базаларини мустаҳкамлаш, бутунлай янги молия-бюджет ва солиқ механизмини яратиш, бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш ва давлат бюджети ижросини таъминлашнинг услубиёти ва тамойилларини аниқлашни ўз ичига олади.

Молия-бюджет механизми, бюджет қурилиши ва бюджетлараро муносабатлар шаклланиши ва тараққиётининг, давлат бюджети самарали ижросини таъминлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари қатор рус иқтисодчи-олимларидан А.И.Александров, А.М.Бирман, Д.П.Боголепов, В.Т.Болдмрев, • М.В.Васильева, Л.А.Дробозина, Н.К.Кучукова, Л.П.Павлова, Г.Б.Поляк, В.М.Родионова, М.В.Романовский, Б.М.Сабанти ва бошқаларнинг ишларида кенг ёритилган.

Ўзбек иқтисодчи-олимларидан М.Шарифхўжаев, А.Вахобов, А.Ўлмасов, Ҳ.Собиров, О.Олимжонов, Т.Маликов, А.Қодиров, Қ.Яҳъёев, Э.Гадоев, Э.Ақромов, Д.Ҳозибеков, О.Жуманов, М.Йўлдошев, Х.Жамолов ва бошқалар Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимининг

шаклланиши

ва

ривожланиши

жараёнининг муҳим масаларини тадқиқ этишга ўзларининг муҳим ҳиссаларини қўшдилар. Шу билан бирга, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасида ҳозирги шароитда бюджет амалиётига қўйилаётган янги талаблар, бюджет ижроси самарадорлигини таъминлаш, молиявий имкониятларини мустаҳкамлаш муаммолари аҳамиятининг ўсиши ушбу жараёнларни янада чуқур тадқиқ этишни, унинг долзарб муаммоларига ечим топишни талаб этади.

Юқоридаги фикрлар диссертация иши мақсади ва вазифаларини белгилашга асос бўлади. Диссертация ишининг асосий мақсади сифатида Ўзбекистон Республикасида бюджет қурилиши ва бюджет амалиётининг янги талаблари асосида давлат бюджети ижроси самарадорлигини ошириш йўналишларини тадқиқ этиш, бюджет ижроси механизмини такомиллаштириш ва маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш майдонга чиқади.

Ушбу мақсадга эришиш изланиш олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

- иқтисодиёт тараққиётининг турли босқичларида Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг мазмуни, моҳияти, функциялари ва асосий ҳал этиши лозим бўлган масалаларни назарий жиҳатдан қайта кўриб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси бюджет қонунчилигидаги ўзга-ришларни таҳлил этиш ва такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- ҳозирги замон бюджет тизими амал қилиши ва бюджет ижросини самарали ташкил этиш юзасидан бой тажрибаларни умул¹штириш ва улардан Ўзбекистон Республикаси шароитида фойдаланиш имкониятларини баҳолаш;

- бюджет ижросини самарали ташкил этишнинг долзарб муаммоларини, жумладан, бюджет тизими бугинлари бюджет

хуқуқлари ва мажбуриятларини бюджет амалиётининг янги талаблари асосида ошириш, бюджет тизими бўғинлари даромад ва ҳаражатларининг тўла ижросини таъминлаш, барча бўғинларнинг бюджет маблағларини бошқаришдаги мустақилликларини ошириш юзасидан таклиф ва тавсияларни асослаш;

Диссертация ишида изланиш объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими, маҳаллий бюджет бўғинларида бюджетни ижро. этишда бюджет ресурсларининг шаклланиши ва ишлатилиши жараёнида вужудга келувчи муносабатлар майдонга чиқади. Шунга асосан диссертация ишида бюджет қурилиши, бюджет орқали тартибга солиш ва бюджет ижросини таъминлаш жараёнининг ҳуқуқий таъминоти муаммолари тадқиқ этилган.

Диссертация ишида изланишнинг маълумот базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг бюджет бошқармаси маълумотлари ҳамда Хоразм вилояти маҳаллий бюджетлари кўрсаткичи бўйича 2001-2002 ҳамда 2003 йил маълумотлари майдонга чиқади.

Изланишнинг методик асосини илмий билишнинг диалектик усули, статистик-математик, таркибий-қиёсий, функционал-объектив таҳлил усуллари, иқтисодчи-олимларнинг молия-бюджет муносабатлари назарияси ва амалиёти соҳасига оид ишлари ташкил этади.

Диссертация ишини ёзишда бюджет қонунчилиги, жумладан, "Бюджет тизими тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунидан (14 декабр 2000 йил), "Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунидан (1993 й.), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3 сентябр 1999 йилдаги 414-сонли "Бюджет муассасаларини маблағ билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қароридан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30-декабрь 2002 йилдаги (455-сонли "Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари

тўғрисида"ги қароридан, Хоразм вилояти ҳокимининг 13 январь 2002 йилдаги 29-сонли "Вилоятнинг 2002 йилдаги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари маҳаллий бюджети ҳақида"ги қароридан, 18 январь 2003 йилдаги 21-қ сонли "Вилоятнинг 2003 йилдаги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари маҳаллий бюджети ҳақида"ги қароридан, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланилган.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида ҳамда Ўзбекистон Республикасида шаклланаётган бюджет тизимининг янги моделида бюджет ижроси самарадорлигини таъминлаш ва уни ошириш, ҳудудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини мустаҳкамлаш муаммоларининг комплекс тадқиқ этилганлиги, уларни амалга ошириш йўллариининг кўрсатилганлиги ва бюджет ижроси самарадорлигини ошириш юзасидан аниқ тавсиялар ишлаб чиқилганлиги изланишнинг илмий янгилигини асослайди.

Диссертация ишининг илмий янгилигини янада аниқ тарзда ишда амалга оширилган ***муаллифнинг қуйидаги ишланмалари орқали кўриш мумкин:***

1. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг эркинлашуви ва бюджет тизимининг янги модели шароитида бюджет самарали ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудий иқтисодиёт ва давлатнинг маҳаллий бюджетларни бошқариш сиёсатидаги мувофиқликни таъминлашнинг янги вазифалари, воситалари ва имкониятлари тизими комплекс тадқиқ этилди.

2. Маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларининг ҳо-зирги замон ҳолати ва улар шаклланишининг ҳуқуқий асослари давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатининг яхлитлиги нуқтаи-назаридан таҳлил этилди.

3. Давлат бюджети даромад қисмининг бажарилишини таъминлаш мақсадида бюджет қонунчилигидаги ҳозирги замон талаблари асосида солиқларнинг бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиши механизми ўрганиб чиқилди ва уни такомиллаштириш юзасидан

таклифлар тизими берилди.

4. Бюджет ижроси самарадорлигини ошириш юзасидан халқаро бюджет амалиёти талабларидан келиб чиқувчи мезонлардан фойдаланиш имкониятлари ўрганилди ва уларни Ўзбекистон Республикаси бюджет амалиётида қўллаш хусусиятлари таҳлил этилди.

5. Бюджет тизими бўғинларида бюджет ижроси самарадорлигини ошириш мақсадида ҳудудий иқтисодиёт ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт нотёқисликлари ҳамда зиддиятларини мувофиқлаштириш, маҳаллий бюджетлар ҳуқуқ-мажбуриятлари ортиб бориши билан мутаносиб тарзда улар даромад базасини мустаҳкамлаш яхлитлигига асосланган «маҳаллий бюджетлар тараққиётини комплекс дастурлаш» тизими илмий жиҳатдан ёритилди ва ҳоказо.

Диссертация ишининг амалий аҳамияти шундаки, ундаги айрим ҳолатлар алоҳида таклиф ва тавсиялар даража-сигача тадқиқ этилгднки, улар давлат бюджети ижроси сама-радорлигини оширишга, мустаҳдамланишига амалий ёрдам беради.

I-боб. Давлат бюджети ғазначилик ижросининг моҳияти

1.1. Давлат бюджети ғазначилик ижросининг назарий-услубий асослари

Ғазначилик тизими - бюджетдан маблағ олувчиларнинг мажбуриятини ижрога қабул қилади ва кейин тақдим қилинган маҳсулотлар ва курсатилган хизматлар учун ғазначилик уларнинг номидан ва уларнинг топширигига асосан ваколатни узиға олади ва бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишини таъминлаш асосида туловни амалга оширади. Ғазначилик — Давлат бюджетининг ижросини таъминлашнинг бир шакли бўлиб, унда давлат бюджети даромадларини ягона ғазначилик ҳисоб рақамида тўпланишини таъминланади, бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назоратни амалга оширилади, шунингдек давлат ташки ва ички қарзларини бошқаришда хизмат кўрсатади ҳамда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари пул оқимларини мониторингини олиб боради.

Давлат бюджети ғазначилик ижросига босқичма-босқич ўтиш режаси Ўзбекистон Республикаси ғазначилигини ташкил этиш концепциясига асосан ишлаб чиқилди.

Ғазначиликда бюджет тизимининг барча босқичларида ягона ташкилий-ҳуқуқий асослардан, стандарт ва бюджет технологияларидан фойдаланиш, бюджет маблағларидан тежамли фойдаланиш ва кўзланган мақсадга эришиш учун тегишли меърий-ҳуқуқий база яратилиши лозим.

Давлат бюджетининг ғазначилик тизими жорий этилиши қуйидаги ижобий натижаларга эришишга имконият беради:

- давлат молиявий ресурсларининг реал ҳажмини ва унинг истиқбол кўрсаткичларини доимий назорат қилиш;
- давлат молиясининг ҳолати тўғрисидаги тезкор ва мунтазам равишда ахборотларни йиғиш, ишлов бериш ва таҳлил қилиш;

- давлат бюджетининг даромад ва харажат қисмларини касса ижросини ҳар кунги аниқлаштирилган мониторингини ўтказиш;
- тасдиқланган бюджет маблағлари доирасида бюджет ташкилотларининг товарлар ва хизматлар етказиб берувчилар олдидаги мажбуриятларини қабул қилиш босқичида дастлабки назоратни амалга ошириш;
- молия органлари томонидан бюджет харажатларини ўз вақтида ва адресли молиялаштириш билан бюджет маблағларини бош тақсимловчилари томонидан суистеъмол қилиш ва нотўғри ишлатишнинг олдини олиш мақсадида жорий назорат олиб бориш;
- бюджет ташкилотлари мажбуриятларни олгандан кейин пул маблағларини ғазначилик ҳисоб рақамидан тўғридан-тўғри товар етказиб берувчилар ҳисоб рақамига ўтказиш орқали пул оқимлари ҳаракатини тезлаштириш ва ўз вақтида тўловни амалга ошириш орқали таъминотчиларни молиявий имкониятларини яхшилаш;
- ғазначилик тизимининг бир поғонасидан иккинчи поғонасига пул маблағлари ўтказишни тезлаштириш орқали бюджет маблағларини тезкор ҳаракат қилинишини таъминлаш ва бошқалар.

Демак, ғазначиликни жорий этишдан асосий мақсад, давлатнинг молиявий ресурсларини самарали бошқаришга таъсир кўрсатишдир. ғазначилик органлари давлат молиясини бошқаришга таълуқли турли вазифаларни бажарадилар.

Ғазначилик тизимини жорий қилиш билан боғлиқ бўлган асосий ишлар қуйидагилардан ташкил топади:

- келгусида бюджет даромадлари ва харажатлари бўйича барча операциялар турли банкларда очилган кўплаб бюджет ҳисоб рақамлари

ўрнига Марказий банкда очиладиган Молия вазирлиги ғазнасининг Ягона ҳисобварақасига жамлантирилади;

- бюджет ташкилотлари харажатларини ҳисобга олиш ва бюджет маблағларидан фойдаланишни назорат қилиш ҳамда ҳисоботлар тайёрлаш учун уларнинг шахсий ҳисобварақалари ғазначиликда очилади;

- банк ўрнига ғазна томонидан бюджет касса ижросини амалга оширилиши ва бюджет жараёни барча босқичлари яъни даромад тушими, бюджет маблағлари ажратишдан тортиб бюджет ижроси ҳисоботини тайёрлашгача бўлган ишлар бирлаштирилади;

- замонавий ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни қўллаган ҳолда ғазначиликнинг ягона ахборот тизими яратилади ва у банкларнинг электрон тўлов тизимига уланади. Бу эса Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари касса ижросини кунлик мониторингини таъминлайди ҳамда барча даражадаги бюджетлар аҳволи ҳақида маълумотларни тезкор йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишни таъминлайди.

Куришиб турибдики, дунёнинг кўпчилик мамлакатларида жорий этилган давлат бюджетининг ғазначилик ижросига ўтиш бизнинг республикамиз учун алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда тасдиқланган лойиҳа асосида ғазначилик тизимини жорий қилиш ишлари ташкилий-ҳуқуқий, техник-иқтисодий ва кадрларни ўқитиш ва қайта ўқитиш ишларини ўз ичига олади.

Ғазначилик тизимининг тузилмаси уч поғонали бўлади:

Биринчи поғона – Республика бўйича Марказий ғазначилик ғазначилик ҳисобварақларидаги маблағлар ҳаракатини бошқаради ва давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг жамланма ҳисобини юритади. Қонун билан белгиланган ташкилотларга бюджет ижроси тўғрисида тегишли

маълумотномалар беради. Қуйи ғазначилик идоралари ишини бошқаради, улардан бюджет даромадлари ва харажатлари тўғрисида маълумот ва ҳисоботларни қабул қилади ва қуйи органлар томонидан бюджетнинг ижросини қонунчиликка биноан таъминлайди.

Иккинчи поғона - вилоят ғазначилик бошқармалари, маҳаллий бюджетнинг даромад қисмининг шакллантирилиши ва харажатларнинг амалга оширилишини таъминлайди. Вилоят бюджети маблағларининг ҳаракатини бошқаради. Маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари ҳисобини юритади, қуйи ғазначилик органлари ва бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар фаолиятини назорат қилади.

Учинчи поғона – шаҳарларда, туманларда ва шаҳарлардаги туманларда ғазначилик бўлинмалари, ҳудудда бюджетнинг даромад қисмининг шакллантирилиши ва бюджет муассасалар бўйича харажатларнинг мақсадли молиялаштирилишини таъминлайдилар. ғазначилик ҳисобварақларида маблағлар ҳаракати ҳисобини юритадилар ва ҳудудда даромадлар ва харажатлар бўйича бюджет ижроси тўғрисида юқори ғазначилик органларига ахборот берадилар.

Республикада ғазначиликка ўтиш босқичлари қуйидаги тартибда амалга оширилмоқда.

- 2005 йил 1 июндан бошлаб Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида давлат бюджети ғазначилик ижросининг баъзи элементлари тажриба учун тадбиқ қилинди;
- 2006 йилдан давлат бюджетининг ғазначилик ижроси етти вилоятга босқичма-босқич тадбиқ этилди; (Самарқанд, Наманган, Бухоро, Тошкент шаҳри, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм, Қорақалпоғистон Республикаси)
- Қолган ҳудудлар 2007 йилда қамраб олинди. (Андижон, Жиззах, Кашкадарё, Навоий, Тошкент, Фарғона вилоятлари)

Марказий ғазначиликнинг ташкил қилишдан мақсад – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси жараёнида маблағлар самарали бошқариш, давлат буюртмаларини ва дастурларини молиялаштиришда тезкорликни ошириш, бюджет даромадлари тушумини ва давлат маблағларидан мақсадли сарфланишини назорат қилишда тезкорликни таъминлашдир.

Марказий ғазначилик – даромадлар ва харажатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижросида, бюджет ҳисобварағлари ва маблағларини бошқаришда аниқ ваколатларга эга ва у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ташкилий тизими ҳисобланади.


Марказий ғазначилик ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Давлат қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг кўрсатма ва йўриқномалари ҳамда бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимини ислоҳ қилиш тегишли институционал ислоҳотлар ёки бошқача қилиб айтганда бюджет тизимида ташкилий - ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишни талаб этади.

Ғазначилик тизими жорий қилиниши давлат бюджетини режалаштириш, харажатларни амалга ошириш ва уларни бошқаришга, молиявий ҳисобот, назорат вазифаларига ёндошиши ва бажариш ишларига жиддий таъсир қилади ҳамда бу функцияларни ҳозирги кунда амалга оширувчи субъектларлар фаолиятига тегишли ўзгартиришлар киритиш заруриятини юзага келтиради.

«Давлат молияларини ислоҳ қилиш» лойиҳасини амалга ошириш босқичлари асосий элементлари 1 - чизмада келтирилган.

Давлат молияларини ислоҳ қилиш”
лойиҳасини амалга оширишнинг асосий босқичлари



Давлат бюджетини ғазна ижроси бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали ишлатишга ҳамда кредитор тўлов интизомини мустаҳкамлашга ва натижада дебитор ва кредитор қарздорликларни кескин қисқартириш, яъни Давлат бюджети ижроси жараёнини жаҳон андозаларига жавоб берадиган янги сифат поғонасига чиқаришдир.

Ўзбекистон Республикаси ғазначилик тизимини яратиш билан боғлиқ бўлган ислохотлар Давлат бюджети ижроси жараёндаги тубдан ўзгариш деб баҳоласа бўлади.

Бюджет ижросини ислоҳ қилишда Давлат бюджети ижросига масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилик тизимини яратиш назарда тутилади. Республикамизда Давлат бюджети ғазначилик ижросига босқичма-босқич ўтиш режаси Ўзбекистон Республикаси ғазначилигини ташкил этиш концепциясига асосан ишлаб

чиқилган ва унда мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши хусусиятлари инобатга олинган.

2004 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиниши давлат маблағларини тўплаш ва улардан самарали фойдаланишни тартибга келтириш бўйича муҳим қадам бўлди. Бюджетнинг ғазначилик ижросини жорий этилиши бюджет харажатларини режалаштириш, тўплаш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш назоратини кучайтириш имкониятини беради.

Ушбу қонунга асосан, ғазначиликнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

Давлат бюджетининг касса ижроси;

Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;

Давлат бюджети маблағларини бошқариш;

Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга ошириш;

бюджет ташкилотларининг товарлар етказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун тузадиган шартномаларини, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузадиган шартномаларини рўйхатга олиш;

Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;

Давлат бюджети ижросининг қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бажариш киради.

Ғазначилик органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни ижро этиш жараёнида давлат бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажаради. Белгиланган тартибга кўра мазкур органлар ва ташкилотлар Давлат бюджетининг касса ижросини амалга оширишда, унинг маблағларини бошқаришда, Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга оширишда ғазначиликка кўмаклашишлари лозим.

Ғазначилик органлари ўз иш фаолиятида давлат солиқ, божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетидида маблағлар олиши назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари Давлат бюджетининг ғазна ижросига тегишли маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда алмашиб турадилар.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетидида маблағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари ғазначиликка тақдим этиладиган маълумотларнинг тўғрилиги ва асослилиги учун жавобгар ҳисобланадилар.

Давлат бюджетининг ғазна ижросини амалга оширишда ташкил этиладиган ягона ғазна ҳисобварағининг алоҳида ўрни бор.

Ягона ғазна ҳисобварағи ғазначилик томонидан бошқариладиган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очиладиган махсус банк ҳисобварағи бўлиб, бу ҳисобвараққа Давлат бюджети маблағлари (шу жумладан давлат мақсадли жамғармаларини маблағлари) ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритилади. Ягона ғазна ҳисобварағидан Давлат бюджетидан маблағлар берилиши назарда тутилган

юримдик ва жисмоний шахсларнинг харажатлари тўланади, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари амалга оширилади.

Ғазначилик Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва бошқа банкларда тегишли банк ҳисобварақлари очиши ва у орқали тўловларни амалга ошириши мумкин.

Ғазначиликнинг банк ҳисобварақларидаги бюджет маблағларидан сўзсиз тартибда тўловларни амалга ошириш ва ҳисобдан чиқаришга йўл қўйилмайди.

Ғазначилик тизимида давлат бюджетига тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар белгиланган тартибда республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари даромадларида акс эттирилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳам ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар мазкур ташкилотларнинг даромадларида акс эттирилади.

Давлат бюджетига чет эл валютасида тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек бюджет ташкилотларининг чет эл валютасида тушадиган бюджетдан ташқари маблағлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, ғазначиликнинг банкдаги валюта ҳисобварақларига киритилади ва унинг назорати амалга оширилади.

Давлат бюджетининг ғазначилик ижросида бюджет харажатларини назоратга олишга алоҳида эътибор берилади. Бу борада Давлат эҳтиёжлари хариди учун қилинадиган тўловлар муҳим аҳамият касб этади. Давлат бюджетининг харажатлари ягона ғазна ҳисобварағи ёки ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан белгиланган муддатларда ва тегишинча республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий

бюджет, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг қолдиқлари доирасида амалга оширилади.

Ғазначилик органлари тамонидан ягона ғазна ҳисобварағидаги ва ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидаги Давлат бюджети маблағлари бюджет маблағлари тўловлари кўзда тутилган харажатларни белгиланган муддатларда ва тартибда амалга оширилади. Шунингдек, Давлат бюджети бўш маблағлари банк депозитлари ва бошқа активларга вақтинча жойлаштириш ҳамда улар ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетга, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига бюджет ссудалари бериш орқали ҳам бошқариб борилади.

Республикада ғазначилик тизими жорий этилиши вақтинчалик ҳаракатда бўлмаган бюджетнинг эркин маблағларини, самарали молия бозорларида жойлаштириб, ундан олинган даромадни эса бюджет харажатларини тўлиқ молиялаштиришга, бюджет тақчиллигини камайтиришга ва давлат қарзлари тўловига йўналтириш мумкин.

Ғазначилик тизимининг фаолияти давлат молиявий ресурсларини сафарбар қилиш орқали давлат харажатларини бошқаришни мувофиқлаштиришдан ташқари, улар устидан самарали назорат ташкил қилиш имконини ҳам беради. Ғазначилик тизимида қилинаётган харажатларнинг энг юқори даражадаги тиниқлиги ва ҳисоботга тортилишлигига эришилади.

Ғазначилик Давлат қарзларининг барча кўринишларини бошқариш, улар бўйича тўловлар ва давлатнинг мажбурият ҳамда кафолатлари учун масъул ҳисобланади.

Ғазначик орган ғазна тизимининг таркибини тузиш, бошқариш ва давлатнинг барча молиявий активлари, мажбуриятлари ва операциялари учун

жавобгар ҳисобланади. Молия йили тугагандан сўнг, ғазначилик органи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасига республика, Қарақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича молиявий ҳисобот тақдим этади.

Давлат бюджетининг ғазначилик

ижроси



2- чизма

Ғазначилик деб аталадиган органлар давлат молиясини бошқаришга таалукли турли вазифаларни бажарадилар. «Ҳукумат томонидан молиявий операцияларни бошқаришдаги асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган.»

1. Давлат молиясини бошқариш.
2. Бюджетни ижро этиш.
3. Бухгалтерия ҳисоб китобини юритиш.
4. Назорат қилиш ва баҳолаш.

Давлат молиясини бошқаришни ўзи турли йўналишларга эга:

- а) нақд маблағларни бошқариш.

Бюджет даромадларини ижросидаги бу фаолиятни йўналишлари куйидагилардан иборат:

- солиқларни ва бошқа тушумларни йиғиш;
- даромадларнинг тушишини назорат қилиш;
- тушумларни йиғишда банк билан бўладиган муносабатларни амалга ошириш;
- давлат бошқарув органларининг турли даражалари ўртасида даромадларни тақсимлаш;
- ресурсларни тақсимлаш ёки лимитларни белгилаш;
- харажатларни молиялаштириш учун талабномаларни тасдиқлаш ва уларни тўлаш.

б) Молиявий режалаштириш.

Давлат харажатларини молиялаштириш учун керак бўладиган ғазначиликнинг ягона ҳисоб рақамига тушадиган тушумларни тахминлаштиришни кўзда тутди.

в) Давлат қарзларини бошқариш.

г) Давлатнинг молиявий активлари устидан назорат қилиш.

Фарғона вилояти Боғдод туманида 2007 йил 1 августдан Ғазначилик тизимининг дастлабки элементлари жорий қилина бошланди. Ғазначилик бўлинмаси учун туман молия бўлими биносида 3 та хона ажратилиб, шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва тўлов бўлимлари зарур жихозлар билан таъминланди. Ғазначилик тизимини жорий қилишда тумандаги республика бюджетидан молиялаштирилувчи 3 та, вилоят бюджетидан молиялаштирилувчи 26 та ва туман маҳаллий бюджетидан молиялаштирилувчи 67 та, жами 96 та бюджет муассасалари қамраб олинди. Уларнинг 2007 йил режалари ҳамда 7 ойлик касса харажатлари компьютер

дастурига туширилди. Тумандаги барча бюджет муассасалари иштирокида кенгайтирилган семенар йиғилиши ўтказилиб, тизим туғрисида тушунчалар берилди. Хозирда туман Ғазначилик бўлинмасидан 200 дан ортиқ шартномалар рўйхатга олиниб, улар буйича бюджетдан маблағ олувчиларнинг топшириғига асосан белгиланган тартибда туловлар амалга оширилмокда. Нотуғри такдим килинган шартнома ва тулов топширикномалари алоҳида рўйхатга олиш китобларида юритилмокда.

1.2. Давлат бюджети ғазначилик ижросининг зарурлиги

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикаси «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонунини қабул қилиниши давлат маблағларини тўплаш ва улардан самарали фойдаланишни тартибга келтириш бўйича муҳим қадам бўлди. Ушбу қонунга асосан, Ғазначиликнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

- Давлат бюджетининг касса ижроси;
- Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;
- Давлат бюджети маблағларини бошқариш;
- Давлат бюджетда маблағлар назарда тутилган юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириқига биноан тўловларни амалга ошириш;
- бюджет ташкилотларининг товарлар етказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун тузадиган шартномаларини, шунингдек, буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузадиган шартномаларини рўйхатга олиш;
- Давлат бюджети Ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;
- Давлат бюджети ижросининг қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

• Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бажариш киради.

Хорижий мамлакатлар тажрибалари кўрсатадики, ғазначиликнинг асосий вазибалари бир-бирига ўхшайди:

1. Давлат бюджетининг кассали ижросини амалга ошириш.
2. Давлатнинг молиявий активларини бошқариш.
3. Давлат қарзларини бошқариш.
4. Давлатнинг молиявий ресурсларини ҳисоб-китобини юритиш, йиғиш, ишлаш, таҳлил қилиш тизимини фаолият кўрсатишини таъминлаш.
5. Давлат молиясининг ҳолати тўғрисида доимий равишда ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим қилиш.
6. Молиявий назоратнинг қоидаларини ва механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш.

Бюджетни ғазначилик тизими билан ижро этишнинг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

- қисқа фурсатларда давлатнинг молиявий ресурсларининг реал ҳажминини ва унинг истиқбол кўрсаткичларини аниқлаш;
- давлат молиясининг ҳолати тўғрисидаги тезкор ахборотларни йиғиш, ишлов бериш ва таҳлил қилиш;
- давлат бюджетининг ҳам даромадлари, ҳам харажатлари қисмининг кассали ижросининг ҳар кунги мониторингини ўтказиш;
- тасдиқланган бюджет маблағлари доирасида бюджет ташкилотларини товарлар ва хизматлар етказиб берувчилар олдида мажбуриятлар қабул қилиш босқичида (шартномалар, контрактлар тузиш вақтида) дастлабки назорат қилиш;
- молия органлари томонидан бюджет харажатларини ўз вақтида ва манзилли молиялаштириш билан бюджет маблағларини бош тақсимловчилари томонидан суъистемол қилишни ва нотўғри ишлатишни олдини олиш мақсадида жорий назорат қилиш;

- бюджет ташкилотлари мажбуриятларини олгандан кейин пул маблағларини ғазначилик ҳисобрақамидан тўғридан-тўғри таъминотчиларнинг ҳисобрақамига ўтўзиш натижасида пул оқимлари ҳаракати бўйича жараёнларни қисқартириш;

- ғазначилик тизимининг бир поғонасидан иккинчи поғонасига пул маблағларини ўтўзишни соддалаштириш натижасида ғазначилик тизимидаги бюджет маблағларини тезкор ишлатиш мумкин.

Ғазначиликнинг Бош Бошқармаси бюджетдан маблағ олувчилардан бошқариш функцияларини тортиб олмайди. Ғазначиликнинг Бош Бошқармаси бюджетнинг бажарилиш жараёнини яхшилаш учун уларни янада кенгроқ ахборотлар билан таъминлайди. Бюджет таснифи бўйича берилган харажатлар тўғрисидаги ахборотлар бутун йил бўйи харажатлар тенденциясини ва харажатларни амалга ошириш учун қўшимча керак бўладиган эҳтиёжларни аниқлашга ёрдам беради. Ғазначиликнинг фаолият кўрсатиши нақд пулларни тўғри ва самарали бошқариш йўли билан бюджетга ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Даромадлар режаси бажарилмаган ҳолатда, боқимандалик муаммосини ечишга ҳаракат қилади.

Миллий иқтисодиётини ривожини таъминланилаётган мамлакатларда компьютерлар тизими тармоғини фаолиятини йўлга қўйилган, бу тизим молия вазирлиги ва тармоқ вазирликлари учун ғазначиликнинг функцияларини бажаради. Шунингдек, мазкур тизимга бюджетни тайёрлаш учун модуллар киритилади, давлат қарзларини, мақсадли фондларни ва маҳаллий бюджетни маблағларини бошқариш каби функциялар юклатилади².

² Барры Поттер ва Джек Даймонд. Создание системы казначейства. стр1.

1.3.Хорижий мамлакатларнинг Давлат бюджети ғазначилик ижросини такомиллаштириш борасидаги тажрибаси ва ундан Ўзбекистон бюджет амалиётида фойдаланиш имкониятлари

Буюк Британияда Ғазначилик консолидациялашган давлат фондига умумий тушумларни назорат қилади ва ушбу фонд, ўз навбатида, Ғазначиликнинг Ягона Ҳисобварағи функциясини ҳам амалга оширади.

Бюджет тушумларини қуйидаги муассасалар таъминлайди:

- ички солиқ органлари,
- божхона органлари,
- ўзининг тармоқлари бўйича турли хил йиғим ва тўловлар учун жавобгар вазирликлар .

Ғазначилик Консолидациялашган фонд томонидан амалга оширилаётган барча тўловларни назорат қилади.

- Ғазначилик бюджетни тайёрланишини ва турлари бўйича ажратилган кутилаётган харажатларни регистрациясини таъминлайди.
- Харажатлар қисмидан ташқари, даромадлар тушуми бўйича маълумотлар ишлаб чиқилади ва регистрация қилинади.
- Консолидациялашган фонд томонидан амалга оширилаётган тўловларни ўз вақтида тушишини таъминлаш мақсадида Ғазначилик томонидан ҳар ойда молиявий режа ишлаб чиқилади. Давлат бюджети режасидан фарқли ўлароқ бу қисқа муддатли режа қисқа муддатли молиялаштиришда бўлган эҳтиёжларни аниқлайди.
- Ғазначилик давлат қарзларини бошқаришга ҳам жавобгар бўлиб, шу мақсадда миллий ссуда фондини ҳам юритади.
- Мажбуриятларни бажариш ва бошқариш мақсадида Консолидациялашган фонд ва Миллий ссуда фонди ўртасида ўзаро маблағлар ўтказмаси амалга оширилади.
- Давлат бюджети ижросини эҳтиёжлари ва қисқа муддатли эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда Ғазначилик ҳажми ва муддати бўйича давлат қимматли қоғозларини чиқариш таркибини белгилаб беради.

- Қарз мажбуриятларини олиш ва уларни қоплаш жараёнида Ғазначиликнинг агенти вазифасини Англия Банки бажаради.
- Давлатнинг молиявий активларини сақловчиси бўлган Ғазначилик давлат корхоналарига лимитларни ўрнатиш орқали ташқи қарзлар ҳажми устидан назорат ўрнатади.
- Ғазначилик давлатнинг молиявий ахборот тизимининг ҳолати ва ривожланишига жавобгардир. Департаментлар ва давлат агентликлари ўз эҳтиёжларини акс эттирувчи махсус молиявий модулга эга. Молиявий модуллар Ғазначиликнинг ахборот тизими билан боғланган.

Бош Ғазначи маъмурияти тармоқ департаментларининг топшириқларига биноан шу мақсадда ажратилган маблағлар доирасида тўловларни амалга оширади. У ҳисобларни рўйхатдан ўтказишни, уларни қайта ишловини, барча тўловларни ҳисобга олинишини таъминлайди. Тармоқ Департаментлари ажратилган давлат маблағларини харажатларини ички аудити ва назоратини мустақил ташкил қилади.

Франция бюджети ғазначилик ижроси жараёнини тартибига солиб турувчи меъерий-ҳуқуқий актлар :

- “Давлат бюджети тўғрисида”ги Органик (Конституцион) Қонун 02.01.1959 й.
- Франция Президентининг 29.12.1962 йилдаги 62-1587-сонли “Давлат молия операцияларини рўйхатга олиш бўйича асосий низомлар тўғрисида”ги Декрети (30.12.1992 йилдаги ўзгартиришлари ва тўлдиришлари билан)
- Молия вазирлигининг “Давлат бухгалтерлари хизматини ташкил қилиш тўғрисида”ги инструкцияси (1966 йил)
- Молия вазирлигининг “Миллий счетлар тизими” тўғрисидаги инструкцияси (1999 йил)

Францияда Бюджетини ғазначилик ижроси тизими чуқур ташкилий ўзгаришларни бошидан кечирди. 1959 йилдаги Органик Қонун ўрнига 2001 йил 1 августда қабул қилинган “Давлат бюджети қонунлари тўғрисида”ги

янги № 2001-692 Органик Қонун чиқарилди. Бу қонун 2006 йил 1 январдан бошлаб амал қила бошлади. Қонун қабул қилингандан уни амал қилиши ўртасидаги узоқ муддат бюджет жараёнида чуқур ислохотлар олиб борилиши кераклиги билан асосланади.

Францияда давлат бюджетини ташкил топиш ва ижроси жарёнини ташкил қиладиган ташкилот Иқтисодиёт, молия ва саноат вазирлигидир. Унинг таркибига қўйидагилар киради:

- Бюджет бошқармаси (бюджетни тайёрлаш, тасдиқлаш ва ижро методологиясига жавобгар орган);
- Давлат молиясини ҳисобга олиш Бош бошқармаси (ёки Франция давлат ғазначилиги дейиш мумкин);
- Ғазначилик дирекцияси - «Франс-трезор» агентлиги (ФТА).

Юқорида қайд этилган бўлимлар (ФТАдан ташқари) вазирликнинг фискал органлари (Солиқлар бўйича Бош бошқарма, Божхона ва эгри солиқлар бўйича Бош бошқарма, Пенсия хизмати) билан биргаликда статуси бўйича Иқтисод, молия ва саноат вазирининг ўринбосари ҳисобланмиш бюджет ишлари бўйича Давлат котибига бўйсинади.

Францияда бюджетни ғазначилик ижросининг функция ва ваколатлари аниқ тақсимланган икки даражали модели амал қилади:

1. Давлат ғазначилигининг идоралари - ҳам Вазирлик аппарати, ҳам ҳудудлар.
2. «Франс-трезор» агентлиги.

Давлат ғазначилик идораларининг функциялари:

- Тушумларни назорат қилиш.
- Давлат харажатларини амалга ошириш ва назорат қилиш.
- Бюджет ва ҳисобот ахборотини тайёрлаш.
- Консалтинг
- Жамғармалар ва умумий маблағларни бошқариш

Давлат ғазначилик идораларининг вазифалари:

- Франция Ғазначилигининг фаолиятини координация қилиш.

- Давлат ҳисоби амалиётини қоидаларини модернизация қилиш - Давлат ҳисоби тизимини ислоҳ қилиш.
- Маҳаллий ҳокимият органларига ислоҳотларда ёрдам кўрсатиш.
- Франция Ғазначилиги кадрларини бошқариш.

«Франс-Трезор» агентлиги

Иқтисод, молия ва саноат вазирлигининг энг ёш ва тез ривожлаётган идораларидан бири бўлиб 2001 йилда ташкил топган ва 30 кишили штатга эга.

ФТАни ташкил топишидан самара шундаки, 2001 йилнинг ўзида Франция бюджетига 500 млн.€ га яқин пул (асосан бўш бюджет маблағларни жойлаштиришдан тушган даромадлар кўринишида) тушди.

ЯҒХ маблағларини бошқаришида ФТА ходимлари қўйидаги талабларни бажаришлари керак:

- Марказий ЯҒХни доимий кредит сальдосини таъминлаш;
- Энг кам бюджет харажатларни сарф қилиб касса операцияларини ўтказиш учун бўлган эҳтиёжларни молиялаштириш;
- Ортиқча пул маблағларни фойдали шартларда жойлаштириш;
- Франция давлат қарзини самарали бошқариш.

Франция бюджет ижросининг ғазначилик тизими унитар давлатлар учун характерли модель бўлиб, бизнинг республикамызда давлат молиясини ислоҳ этишда аҳамиятига эга бўлиши мумкин. Лекин Франция тажрибасини мамлакатимизнинг воқелигига тўла юзаки кўчириш мумкин эмас, чунки бунга бир қатор сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, руҳий ва бошқа сабаблар мавжуд.

Айни пайтда, ЯҒХни амал қилиши, ғазначилик ҳисоб рақамларидаги маблағлар оқимини бошқариш, бюджет тизими ликвидлигини таъминлаш ва ҳ.к. каби масаларида Франция тўплаган тажрибани ўрганиш Ўзбекистонда бюджет ижросининг ғазначилик тизимини кейинги ривож учун фойдали бўлиши мумкин.

II-боб. Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетининг газначилик ижроси амалиёти

2.1. Давлат бюджети газначилик ижросининг миёрий-хуқуқий асослари

Давлат бюджетини белгиланган параметрлар доирасида ижро этилиши ҳамда бюджет интизомига катъий риоя қилишликни таъминлашда молиявий назорат катта аҳамият касб этади

Назорат бошқарувнинг бир функцияси сифатида бошқариладиган объект фаолияти мониторингини амалга ошириб, қабул қилинган қарорлар мақсади ва самарадорлигини баҳолаш ва уларни ижроси натижалари юзасидан четланишларни аниқлаш ва уларни тузатишни амалга ошириш имконини яратади. Шундай қилиб назорат бошқарув циклининг шундай босқичида амалга ошириладиган ҳақиқий содир этилган воқелик қабул қилинган режаларга мувофиқ келадими ёки йўқми? Агарда четланишлардаги ҳолатлар салбий бўлса у ҳолда уларни вужудга келиш сабаби ва айбдорлари аниқланилади ва уларни тузатишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланилади. Шундай қилиб назоратнинг функцияси кўп қиррали бўлиб, белгиланган мақсад билан амалга оширилган ишни таққослаш мақсадида ҳақиқий аҳволни таҳлил қилиш, назорат қилинаётган фаолиятни баҳолаш ва аниқланган камчиликларни тузатиш юзасидан чоралар кўришни ўз ичига олади.

Қуйидагилар газначилик операциялари ҳисобланади:

- Дастурга киритилган бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметасини мутаносиблиги;
- хўжалик шартномалари - юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш;
- молиявий мажбуриятлар - харажатларни тўлаш;
- бюджетдан маблағ олувчиларнинг иш ҳақи, нафақа ва стипендиялар тўлаш учун чек расмийлаштириш;
- бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тегишли тўловларни тўлаш;

- инвестиция харажатлари бўйича шартномаларни рўйхатга олиш ва харажатларини тўлаб бериш;
- ташқи ва ички қарзларни тўлаш;
- халқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш ва бошқалар.

Ғазначилик операцияларини назоратини амалга ошириш давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағларни қонуний ва самарали ишлатилишини таъминлашни ўз ичига олади. Ғазначилик операцияларини назорати қуйидаги элементлардан иборат:

- Назорат субъекти
- Назорат объекти
- Назорат предмети >
- Назорат тамойиллари
- Назорат услублари
- Назорат механизми
- Назорат тизими

Назорат субъектига юридик ва маолиявий мажбуриятларни амалга оширувчи ходимлар ва уларнинг бевосита раҳбарлари киради.

Назорат объекти сифатида юридик ва молиявий мажбуриятлар бўйича операцияларни тушиниш мумкин.

Назорат предмети сифатида шартномалар, харжатлар сметалари, тўлов топшириқномалари, баҳолар мониторинги ва бошқалар.

Назорат тамойилларига қуйидагиларни киритиш мумкин: режалилик, тизмилилик, узлуксизлилик, қонунийлик, объективлилик, ошкоралик, самаралилик.



Назоратнинг услубларига қуйидагилар киради: таҳлил, синтез, индукция, дедукция, оргнолептик, инвентаризация, бажарилаётган ишни назорат ўлчови, танлаб кузатиш, узлуксиз кузатиш, лойихалар ва смета хужжатларини экспертизаси, эксперимент, аналитик ҳисоб услуги, иқтисодий таҳлил, статистик ҳисоб, камерал текширув.

Молиявий назорат дастлабки, жорий ва кейинги шаклларига бўлинади.

Давлат бюджетини ғазначилик ижроси тизимида асосан дастлабки ва жорий назорат шакллари мавжуд.

4-чизма



Давлат бюджетининг ижросида ғазначилик операцияларини назорат қилишнинг шакллантириш

Давлат бюджетининг ижросида ғазначилик операцияларини назорат қилишнинг шакллантириш чора тадбирлари Молия вазирлиги томонидан алоҳида эътибор берилган. Ҳар бир бошқарма, амалиёт ва бўлинмаларда ҳам алоҳида назорат мутахассислари қабул қилинган. Ҳар бир ходимнинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Ҳудудий бошқармада ғазначилик операцияларининг барча жараёнларида амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилишини назорат қилиш ва самарали ички назоратни ташкил этиш сектор/гуруҳнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Қуйидагилар сектор гуруҳнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ғазначилик операцияларини амалга ошириш жараёнида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан белгиланаган тартибда назорат қилиш ва мониторинг ўтказиш;

ғазначилик операцияларини жараёнининг амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигига баҳо бериш ва ҳулосалар тайёрлаш;

ғазначилик операцияларини меъёрий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида самарали ички назоратни ташкил этиш;

назорат ва мониторинг натижалари бўйича ғазначилик операциялари аҳволи ва тегишли чоралар кўриш тўғрисида ҳудудий бошқарма бошлиғига ахборот тақдим этиш;

ғазначилик операцияларининг назорати ва мониторингга натижалари тўғрисида ҳисоб ва ҳисобот шакиллари юритиш ҳамда ҳудудий бошқарма бошлиғига ахборот бериш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг туман (шаҳар) бўлинмаларидаги ғазначилик операцияларини амалга оширилиши ва ички назорат аҳволини ўрганиш, уларга услубий ёрдам кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг туман (шаҳар) бўлинмаларидаги ғазначилик операцияларини назорат қилиш мутахассислари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг ғазначилик операцияларини назорат қилиш билан боғлиқ топшириқ ва кўрсатмалари ижросини таъминлаш;

Ғазначилик тизимида ички назорат ва ички аудитини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига таклифлар тақдим этиш.

Сектор гуруҳ ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

ғазначилик операцияларини компьютердаги тегишили Дастур орқали назорат қилади, мониторинг ўтказди ва таҳлил қилади;

ғазначилик операциялари билан боғлиқ ҳар қандай турдаги ва кўринишдаги молиявий ҳужжатларни (журнал, китоб, смета (иловалари), бирдилишнома, ҳўжалик шартномаси (иловалари). Сўровнома, ҳисоб-фактура, юк-ҳати, солиштирма далолатнома, тўлов топшириқнома, шахсий ҳисобварақлардан кўчирма, чеклар, корешоклар ва бошқалар) текширади;

тегишли компьютер Дастуридаги бюджетдан маблағ олувчиларнинг ғазначилик операциялари бўйича маълумот ва кўрсаткичларини ҳудудий бошқарманинг бўлинмаларидаги ҳужжатлар билан тақослайди, таҳлил қилади, маълумот ва кўрсаткичларни бир-бирига мувофиқлаштиради;

ғазначилик операциялари жараёнидаги ҳар қандай кўринишдаги рисклар, хато ва камчиликларни аниқлайди, баҳолайди ва ҳулоса тайёрлайди; ғазначилик операциялари жараёни устидан назорат, мониторинг ва таҳлил натижалари тўғрисида ҳудудий бошқарма раҳбариятига маълумотлар беради; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг туман (шаҳар) бўлинмаларидаги ғазначилик операциялари жараёнини ва ички назорат аҳволини ўрганади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг туман (шаҳар) бўлинмаларидаги ички назорат аҳволига баҳо бериш, ҳулоса тайёрлаш ҳамда ўрганиш натижалари бўйича ҳудудий бошқарма бошлиғига ахборот тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг туман (шаҳар) бўлинмаларидаги ғазначилик операцияларини назорат қилиш мутахассислари фаолияти тўғрисида ҳисоботларни қабул қилади, умумлаштиради ва таҳлил қилади;

Ғазначилик операцияларининг назорати ва мониторинги натижаларининг кунлик ҳисобини юритади;

Ғазначилик операцияларининг назорати ва мониторинги натижалари тўғрисида белгиланган тартибда ва шаклда ҳисоб ва ҳисобот юритади ҳамда умумлаштирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига белгиланган муддатда тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг туман (шаҳар) бўлинмаларидаги ғазначилик операцияларини назорат қилиш мутахасислари фаолиятини мувофиқлаштириш, улар фаолиятини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг ғазначилик операцияларини назорат қилиш билан боғлиқ топшириқ ва кўрсатмаларини бошқармада ҳамда туман (шаҳар) бўлинмаларида ижросини таъминланишини назорат қилади;

Ғазначилик тизимида ички назорат ва ички аудит тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги раҳбариятига тақдим этади;

Ўзига юклатилган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

Сектор гуруҳ ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун кўйидаги ҳуқуқларга эга:

худудий бошқармада ғазначилик операциялари жараёни билан боғлиқ ҳар қандай турдаги ва кўринишдаги ҳужжатларни вақти ва даврида қатъий назар, текшириш, таҳлил қилиш;

худудий бошқарма масъул ходимларидан ғазначилик операциялари билан боғлиқ ҳар қандай кўринишдаги молиявий ҳужжатлар, маълумотлар ва кўрсаткичларни талаб қилиб олиш, уларнинг нусхаларини олиш;

худудий бошқарма бўлимларидаги масъул ходимлардан ғазначилик операцияларини амалга оширилиши юзасидан ёзма ва оғзаки тарздаги сўровлар ва тушунтиришларни олиш; худудий бошқармада ҳамда туман (шаҳар) бўлимларидаги ўтказилган назорат ва текширишлар яқунлари бўйича масъул ходимлардан маълумономалар ва далолатномаларни имзолашни талаб қилиш;

худудий бошқарманинг тегишли бўлимларидан ғазначилик операциялари масалалари бўйича зарур маълумотлар ва ахборотларни олиш;

туман (шаҳар бўлинмалардаги ғазначилик операцияларини назорат қилиш билан боғлиқ маълумотларни олиш, сўраш ва талаб қилиш, ғазначилик операциялари жараёнида аниқланган меъёрий ҳужжатларни бузилиши ҳолатлари бўйича ўрнатилган тартибда бошқарма раҳбариятига ахборот бериш ва раҳбариятга Молия вазирлигининг Назорат тафтиш Бош бошқармасининг ҳудудий бошқармасига маълумот бериш тўғрисида таклиф киритиш.

Сектор/ гуруҳ ғазначилик операцияларини меъёрий ҳужжатларга риоя этилмаган ҳолатлари аниқланган тақдирда ғазначилик операцияларини вақтинчалик тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

Бунда ғазначилик операцияларини вақтинчалик тўхтатиб қўйиш белгиланган тартибда ҳудудий бошқарма раҳбарияти хабардор қилинган ҳода амалга оширилади.

Сектор/гуруҳ қуйидагиларга мажбурдир:
юклатилган вазифалар ва функцияларни бажарилиши юзасидан ишни пухта ташкил этишга;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатларини тўғри қўлланилишини таъминлашга;
назорат, текшириш, мониторинг ва таҳлил ўтказиш жараёнида принципиал, тўғри, асосли баҳо беришга;

ҳудудий бошқарма раҳбариятига ғазначилик операцияларини меъёрий ҳужжатларига риоя қилинмасдан амалга оширилиши ҳолатлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилишдан иборат.

Бюджет муассасаларига курсатиб утилган мақсадлар учун нақд пул бериш бўйича фаолияти устидан назорат ва мониторингни амалга ошириш
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармасининг ва унинг ҳудудий бошқармаларининг асосий вазифаси деб белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 15 апрелдаги қарорига асосан "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик

тугрисида"ги Кодексига 175-2 ва "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси"га 184-1 моддалар оркали "бюджет интизомини бузиш" тугрисидаги бандлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик Кодексининг 175-2 моддасига асосан, бюджет харажатларини ташкилот сметаларида кузда тутилмаган харажатларга йуллаш, маблагларнинг лимиттан ортиб кетиши, штат-смета интизомини бузиш каби ҳаракатларга йул куйган мансабдор шахсларга нисбатан энг кам иш ҳакининг ун бараваридан ун беш бараваригача жарима солиш каби маъмурий чоралар куриш ҳукуки назорат тафтиш бош бошкармасига берилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноий Кодексининг 184-1 моддасига асосан, юкорида келтирилган маъмурий жазо кулланилгандан кейин содир этилган булса:

- 1 энг кам иш ҳакининг 50 бараварида жарима ёки 1 йилгача ахлох тузатиш ишлари ёхуд 6 ойгача камок билан:
- 2 энг кам иш ҳакининг 50 бараваридан 75 бараваригача жарима ёки 2 йилгача ахлох тузатиш ишлари ёхуд 1 йилгача камок билан:
- 3 энг кам иш ҳакининг 75 бараваридан 100 бараваригача жарима ёки 2 йилгача камок билан, жазоланади.

Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларида назарда тутилган маблаглардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш устидан дастлабки ва жорий назоратни оширади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва тегишли ҳудудий молия органлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- бюджетдан маблаг билан таъминланадиган ташкилотлардан бюджетни режалаштириш, маблаг билан таъминлаш, тегишли ташкилот томонидан бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш учун зарур бўлган ҳисобот маълумотларни сўраш;

- кредит муассасаларидан уларнинг уставларига мувофиқ бюджет ташкилотларининг операциялари ва ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;
- ташкилотлар томонидан маблағлар гайроқонуний сарфланганда, бюджет интизомини бузилиши ҳоллари аниқланган тақдирда, шунингдек илгари ажратилган маблағлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботлар ва бошқа белгиланган ҳисобот тақдим этилмаганда, бу ҳақда тегишли вазирликлар, ҳокимликлар раҳбарларини хабардор қилган ҳолда ташкилотларни бюджетдан харажатини тўлашни чеклаш ва зарур ҳолларда тўхтатиб қуйиш;
- бюджет ташкилотларининг молиявий фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш;
- аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар бажарилишини текшириш;
- амалдаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда текшириш материалларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ходимларининг функционал вазифалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 11-февралдаги 66-сонли ва 2002-йил 15-ноябрдаги 393-сонли қарорлари асосида ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш Бош бошқармасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат эканлиги белгиланган:

- бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет интизомини сақланишини назорат қилиш;
- Молия вазирлиги ёнидаги жамғармалар маблағларини мақсадли сарфланишини назорат қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонунида кўрсатилган тартибда, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруқлари, бошқа кўрсатмалар ва меъёрий ҳужжатлар асосида бюджет интизомини сақланишини назорат қилиш;

- бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларнинг маблағлари ўз вақтида тўланиши, бунда биринчи даражали тўловларни тўлашда белгиланган кетма-кетликни сақланиши ва бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақилари ўз вақтида нақд пул билан таъминланиши устидан дойимий мониторинг ўтказилишини ташкиллаштиради;
- бюджет жараёнининг барча босқичларида молиявий қато-камчиларни олдини олиш мақсадида тегишли тақлифлар беради.

Давлат бюджетининг газначилик ижросига утишидан олдин касса харажатлари молия органлари томонидан бюджет ташкилотларининг банкдаги ҳисоб-ракамларига олдин молиялаштириб, кейин эса бюджет ташкилотлари томонидан касса харажатлари амалга оширилар эди. Бунда бюджет ташкилотлари томонидан касса харажатларини амалга оширилаётган пайтида назорат қилиш урнатилмаганлиги сабабли, назорат-тафтиш бошқармаси тафтишчилари томонидан куйидаги қато камчиликлар аникланди

Бюджет ташкилотлари банк ходимлари билан келишган ҳолда иш ҳақи ҳисобидан ҳисобланадиган даромад солиғи ва иш ҳақиға ажртмалар курсатилган мнзилға утказилмасдан, хусусий фирма ёки пгу каби корхоналар ҳисоб-ракамиға утказилган ҳолатлар мавжуд эди, яъни бюджет ташкилоти томонидан таёрланган тулов топшириномаларида солиқ инспекцияси ва банк номлари тугри ёзилиб, ҳисоб ракамлари бошқа ташкилотники ва бошқа банкнинг МФО си ёзилиб давлат пулларини узлаштирилган ҳолатлар аникланган эди.

Бюджет ташкилотларининг 4-гурух харажатларининг касса харажатлари амалға оширилишида харажатлар сметасида белгиланган моддаға маблағ сарфламасдан, бошқа моддаларға ишлатилган ҳолатлар назорат тафтиш ходимлари томонидан аникланди.

Давлат бюджетининг газначилик ходимлари томонидан дастлабки ва жорий назорат урнатилиб, давлатбюджетининг газначилик ходимлари томонидан дастлабки ва жорий назорат урнатилиб, давлат маблағлари уз манзилига ва белгиланган модда оркали касса харажатлари амалга оширилияти. Назорат-тафтиш бошкарма ходимлари томонидан якуний назорат урнатилиб, бунда бюджет ташкилоти томонидан амалга оширилган касса ва хакийкий харажатининг мақсадга мувофиқлиги ва тугрилиги текширишдан утказилади.

2.2. Давлат бюджети газначилик ижросининг амалдаги ҳолати

Таҷрибалар шуни кўрсатадики, Мазкур тизимни жорий этиш билан бюджет бажарилишини кузатиш, бошқарув қарорларини қабул қилишда қулайлик яратиш, бюджет маблағларини мақсадсиз сарфланишидан ҳимоялаш ва бюджетни режалаштириш ва прогнозлаштириш сифатини ошириш мумкин. Газначиликни жорий этиш бюджетнинг даромадлар қисмида тушумларнинг тушишини ва бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишининг назоратни кучайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Биз бугун бюджет маблағларидан нечоғли самарали фойдаланаётганлиги тўғрисидаги масалага ҳам жиддий қарашимиз зарур. Бугун биз давлат маблағларини оқилона сарфлашнинг энг мақбул таркибига эгамиз, деб айта олмаймиз».

Бюджетни шакллантиришда унинг ҳам харажатлар қисмини, ҳам даромадлар қисмини белгилаш муҳимдир, чунки бюджетнинг даромадлари ва харажатлари ўзаро бир-бирини тақозо этади, уни тўлиқ ҳисобга олмаслик, ноҳуш оқибатларни келтириб чиқаради. Ҳар бир манбалар бўйича даромадларни ўз вақтида ва тўлиқ тушишини ва жорий йил учун тасдиқланган бюджет миқдори доираси тизимида барча тўловларни ҳамда

тасдиқланган бюджет ажратмаларини тўғри ва асосли тақсимлаш бюджет ижросининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ғазначилик органларининг асосий вазифаларидан бири бюджет маблағларини мақсадли ва самарали ишлатилишини назорат қилиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда яратилаётган марказлаштирилган ғазначилик тизими ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамида маблағларни марказлаштиришни, шунингдек, бюджет ижросининг назоратини ва ҳисоб-китобини кўзда тутди.

Ғазначилик тизимида бюджетни ижро қилиш жараёни деталлаштирилган. У қуйидаги кўрсаткичларни аниқ назорат қилиш имконини беради: бюджет маблағларининг ҳажми; молиялаштиришнинг кафолатланган лимити; ҳақиқий тузилган шартномаларнинг ҳажми; тузилган шартномалар асосида берилган аванс тўловларнинг ҳажми; товар-моддий бойликлар ва бажарилган ишлар ҳажми қабул қилинганлиги тасдиқлангандан кейин тақдим қилинган ва счёт-фактураларнинг тўғрилигини текширилганидан сўнг тўланадиган иш ҳақи ва бошқа турдаги пул маблағлари суммаси;

- тўловга тақдим этилган ҳисобрақамлар суммаси;
- бюджет маблағлари ҳисобрақамидан ҳақиқий қтказилган маблағлар миқдори.

Барча бюджет маблағлари ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамида тўпланади, тўловни амалга ошириш учун скровнома ва уни тасдиқлайдиган хужжатлар ғазначиликка йўналтирилади, ғазначилик назорат қилади, тўловларни режалаштиради ва тўловни амалга оширади

қазначиликда Давлат бюджети ижроси устидан назорат ички (жорий) назорат ва ички аудит орқали амалга оширилади.

Ички (жорий) назорат (ИН) ва уни субъекти:

1. ИН ғазначилик бўлимларининг тегишли ходимлари томонидан юридик мажбуриятларни рқйхатга олишда амалга оширилади; 2. ИН объекти: ИН объектлари бу бизнес-жараёнларда фойдаланиладиган бошланғич хужжатлар (кирувчи ва чиқувчи) бўлиб, улар қуйидаги мақсадларда текширилади:

- а) Хужжатлар тўлдирилишининг белгиланган тартибларга мувофиқлиги;
- б) Бюджет таснифи кўрсаткичларидан тўғри фойдаланилганлиги;
- в) Белгиланган режали ажратмаларга (лимитлар) мувофиқлиги;
- г) назоратнинг бошқа кўрсаткичлари.

Ички назоратнинг мақсади

1. Бюджетнинг тасдиқланган параметрлар (лимитлар) доирасида ижро этилиши;

2. Бюджет ташкилотлари томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган суиистеъмоллик ҳолатлари олдини олиш

казначиликда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит (ИА) нинг субъектлари ғазначилик департаментининг Ички аудит бошқармаси ҳамда Қорақалпоқистон Республикаси ва вилоятлар Ғазначилик бошқармаларининг бўлим (сектор) ходимлари томонидан амалга оширилади. ИАнинг объектлари бу Давлат бюджети ижроси мабойнида ғазначилик томонидан бюджет ижроси жараёни билан боқлиқ операциялар ҳисобланади.

Ички аудитнинг мақсади:

1. ДМБАТда рқй берадиган жараёнларнинг самарадорлигини баҳолаш ва бюджет ижросида турли суиистеъмолликни олдини олиш ва бюджет харажатларт устидан назоратини кучайтириш.

2. Давлат бюджетини ижро қилиниши жараёнида ққлланиладиган хужжатларнинг айланиш жараёнини мукаммаллаштириш ва мужассамлаштириш.

3. ДМБАТининг барча тизимлари фаолиятларининг самарадорлиги ошириш.

Ғазначилик давлат бюджети ижросини таъминлашнинг бир шакли бўлиб, унда махсус идора давлат солиқлари йиғимини ва улардан фойдаланишни таъминлайди, маблағлар устидан назоратни амалга оширади, шунингдек, давлатнинг ташқи ва ички қарзларини ҳамда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари пул оқимларининг мониторингини юритиб боради.

Тошкент вилояти бюджетининг харажатлари ўзининг моҳиятига ккра бюджетларнинг харажатлари таркибига киради. Бу харажатлар минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда муҳим роль қйнайди. Умумий тарзда айтганда, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, исталган бир минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши шу минтақа бюджетидан қилинадиган харажатларнинг миқдорига бевосита боғлиқ бўлади. Тошкент вилояти бюджети харажатларининг шу минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ролини кўрсатиш учун унинг харажатларини 2004-2006 йилларга тегишли бўлган маълумотлар асосида таҳлил қилишга ҳаракат қилайлик. Таҳлил учун керак бўлган маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

1- жадвал

2004-2006 йилларда Тошкент вилояти бюджети харажатларининг таркибий тузилиши³ (% да)

Харажатларнинг турлари	2004	2005	2006(p)
1. Халқ хўжалигини маблағ билан таъминлаш	13,3	15,4	16,1
2. Ижтимоий-маданий тадбирлар харажатлари	59,6	61,0	56,4
3.Бошқарув идораларини сақлаш харажатлари	0,8	0,9	1,0
4. Ўз-ўзини бошқариш идораларини сақлаш харажатлари	0,7	0,8	0,8
5. Аҳоли турмуш фаровон лигини ошириш билан боғлиқ бўлган харажатлар	2,3	2,7	2,8
6. Марказлаштирилган инвестициялар	10,4	8,3	12,1
7. Бошқа харажатлар	12,5	10,4	10,2
7. Кўзда тутилмаган харажатлар	0,4	0,5	0,5
Жами харажатлар	100,0	100,0	100,0

-жадвалда келтирилган маълумотлардан ккриниб турибдики, Тошкент вилояти бюджетининг харажатлари бир неча йўналишларни молиялаштиришга мулжаллангандир. Таҳлил қилинаётган 2004-2006 йиллар давомида вилоят бюджетининг 56,4 фоиздан (2006 йил) 61,0 (2005) фоизгача

³ Жадвал Тошкент вилояти бюджетининг 2004-2006 йиллардаги кўрсаткичлари асосида тузилган.

бўлган қисми ижтимоий-маданий тадбир харажатларини молиялаштиришга сарфланган. Умуман олганда эса, кейинги 3 йил давомида ҳар йили вилоят бюджети харажатларининг 60 фоиз атрофидаги қисми худди шу мақсадларга сарфланган.

Ўзининг салмоғи бўйича Тошкент вилояти бюджетининг харажатларида иккинчи ва учинчи қринларни марказлаштирилган инвестициялар ва халқ хўжалигини маблағ билан таъминлаш харажатлари эгаллаган. Уларнинг салмоғи 2004-2006 йиллар давомида 8-16 фоизга тенг бўлган. Бюджетнинг умумий харажатларига нисбатан бу кўрсаткичларнинг кичик бўлишига қарамасдан, уларнинг ўз салмоғига ккра иккинчи ва учинчи қринларни эгаллаганлиги вилоят миқёсида, бутун республикамизда бўлганидек, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга ва иқтисодиётнинг ривожланиш суръатларини оширишга алоҳида эътибор берилганлиги аниқ кқриниб турибди.

Бошқарув органлари ва ўз-ўзини бошқарув органларини сақлаш харажатлари ҳамда бошқа харажатлар 2004-2006 йиллар давомида Тошкент вилояти бюджети харажатларининг 1-2 фоиз қисмига тенг бўлган.

Умуман олганда, -жадвалда келтирилган маълумотлар Тошкент вилояти бюджети харажатларининг қайси йўналишга сарфланганлиги тўғрисида умумий тасаввур берса-да, лекин улар тўғрисида батафсил маълумот бера олмайди. Бунинг учун вилоят бюджети харажатларини ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида-алоҳида олиб таҳлил қилиб чиқмоқ зарур. Бу ишни биз бюджет харажатлари йўналишларининг эгаллаган қрнига қараб амалга оширишга ҳаракат қиламиз.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Тошкент вилояти бюджетининг харажатлари структурасида ўзининг салмоғи бўйича биринчи қринни ижтимоий-маданий тадбир харажатлари эгаллаганлиги учун биз таҳлилимизани ана шулардан бошлаймиз. Таҳлил учун зарур бўлган рақамлар биз томонимиздан навбатдаги бетдаги 2-жадвалда келтирилган.

**2004-2006 йилларда Тошкент вилояти бюджетидан ижтимоий-маданий
тадбир харажатларининг молиялаштирилиши⁴ (%да)**

Харажатлар	2004	2005	2006(р)
1. Маориф	31,8	30,5	33,9
2. Маданият ва ОАВ	1,6	1,1	1,4
3. Фан	0,01	0,01	0,02
4. Соғлиқни сақлаш	13,7	12,3	15,9
5. Жисмоний тарбия	0,02	0,02	0,02
6. Ижтимоий таъминот	0,7	0,5	0,7
Ж а м и	47,7	44,5	51,9

2-жадвал маълумотларининг кўрсатишича 2002-2004 йиллар давомида Тошкент вилояти бюджети харажатларининг асосий қисми ижтимоий-маданий тадбир харажатларини молиялаштиришга йўналтирилгандир. Буни биз 1-жадвал маълумотларини таҳлил қилаётган пайтимизда ҳам таъкидлаб қтган эдик. Бироқ 2-жадвал маълумотлари таҳлил остига олинган йиллар давомида Тошкент вилояти бюджети харажатларидан ижтимоий-маданий тадбир харажатлари таркибига кирувчи харажатларнинг нималардан иборат эканлигини кўрсатиб бераяпти. Уларнинг далолат беришича Тошкент вилояти бюджетидан молиялаштирилган ижтимоий-маданий тадбир харажатлари маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, оммавий ахборот воситалари, жисмоний тарбия ва ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ бўлган харажатлардир. Гарчи улар асосан, 6 гуруҳга бирлаштирилган бўлсада, бу ерда харажатларнинг асосий қисми 2 йўналишда сарфланганлиги яққол ккриниб турибди. Уларнинг биринчиси маориф соҳасини молиялаштириш билан боғлиқ бўлган харажатлар бўлса, иккинчиси соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш харажатларидир.

⁴ Жадвал Тошкент вилояти бюджетининг 2004-2006 йиллардаги кўрсаткичлари асосида тузилган.

Шу нарсани ҳам алоҳида таъкидлаб қтиш керакки, таҳлил қилинаётган йиллар давомида Тошкент вилояти бюджетидан ижтимоий-маданий тадбир характериға эға бўлган маданият, фан, оммавий ахборот воситалари, жисмоний тарбия ва ижтимоий ҳимояға ҳам маълум бир харажатлар қилинган. Масалан, 2004-2006 йиллар давомида бюджетдан маданият ва оммавий ахборот воситалари учун бюджет харажатларининг 1,1-1,6 фоизи, ижтимоий таъминотға ҳам хар йили қарийб 1 фоиз харажат қилинмоқда, фан ва жисмоний тарбияға эса 0,01 дан 0,02 фоиз микдордаги харажатлар сарфланган.

Шундай бўлишиға қарамасдан, Тошкент вилояти бюджетидан маданият, фан, оммавий ахборот воситалари, жисмоний тарбия ва ижтимоий ҳимоя соҳаларига нисбатан кам маблағларнинг ажратилганлигини шу бюджетнинг имкониятлари билан изоҳлашимиз лозим.

Энди Тошкент вилояти бюджетидан иқтисодиётға сарфланган харажатларни таҳлил қилишға ҳаракат қилайлик. Бу маълумотлар биз томонимиздан 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

2004-2006 йилларда Тошкент вилояти бюджетидан халқ хўжалигини молиялаштиришға сарфланган харажатлар⁵ (% да)

Харажатлар	2004	2005	2006
1. Ободонлаштириш	7,6	6,3	7,2
2. Марказлаштирилган инвестиция	13,4	24,3	10,8
3. Бошқарув органи	0,7	0,7	0,8
4. Фуқаролар ўз-ўзини бошқариш	0,4	0,4	0,5
5. Кўзда тутилмаган харажатлар	1,0	0,3	0,4
6. Бошқа харажатлар	13,2	11,1	13,4
Ж а м и	36,3	43,1	33,1

⁵ Жадвал Тошкент вилояти бюджетининг 2004-2006 йиллардаги кўрсаткичлари асосида тузилган

3-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, 2004-2006 йилларда Тошкент вилояти бюджетидан халқ хўжалигини молиялаштиришга сарфланган харажатлар бир неча гуруҳларга бўлинган бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборатдир:

1. Марказлаштирилган инвестициялар
2. Ободонлаштириш
3. Кўзда тутилмаган харажатлар

Юқорида келтирилган халқ хўжалигини молиялаштиришга сарфланган харажатлар орасида ўзининг салмоғига ккра нисбатан каттагина қисми ободонлаштириш ишларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва марказлаштирилган инвестициялар эгаллаган. Уларнинг салмоғи таҳлил қилинаётган йиллар давомида Тошкент вилояти бюджети харажатларининг 6,3-24,0 фоизга тенг бўлган.

Умуман олганда, 2004-2006 йилларда Тошкент вилояти бюджети харажатларининг 33 дан 43 фоизгача бўлган қисми халқ хўжалигини молиялаштиришга сарфланган харажатларга сарфланган ва уларнинг салмоғида шу йиллар давомида кескин ўзгаришлар содир бўлмаган.

Энди амалий материаллардан фойдаланган ҳолда Тошкент вилояти бюджетидан фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг молиялаштирилишига ўз эътиборимизни қаратайлик. Бу маълумотлар биз томонимиздан 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

2004-2006 йилларда Тошкент вилояти бюджетидан фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг молиялаштирилиши⁶ (% да)

Харажатлар	2004	2005	2006 (p)
1. Болалик ва кам таъминланган оилалар нафақаси	2,1	1,8	2,0
Ж а м и	2,1	1,8	2,0

⁶ Жадвал Тошкент шаҳри бюджетининг 2004-2006 йиллардаги кўрсаткичлари асосида тузилган

4-жадвалда келтирилган маълумотлар фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг молиялаштирилиши асосан 1 гуруҳда ифодаланганлигини англатиб, бу болалик ва кам таъминланган оилаларга нафакалар ққринишида амалга оширилгандур.

Умуман олганда эса, Тошкент вилояти бюджетидан фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг молиялаштирилишига 2004-2006 йиллар давомида бюджет умумий харажатларининг 1,8-2,1 фоизи сарф қилиниб келинган.

Шундай қилиб, биз курс ишимиз доирасида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда молиянинг ролини кўрсатиш мақсадида Тошкент вилояти бюджетининг 2004-2006 йиллардаги харажатларини таҳлил қилиб, улардан тегишли хулосалар чиқаришга ҳаракат қилдик. Чиқарилган хулосалар ранг-баранг бўлиб, улар бир-бирларидан, маълум маънода фарқ қилсада, лекин уларни умумий бир маҳражга келтириш мумкин. Бу шундан иборатки, кейинги 3 йил давомида Тошкент вилояти бюджетидан минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш учун каттагина харажатлар қилингани, шубҳасиз. Улар бу жараёнда молиянинг роли ниҳоятда катта эканлигини кўрсатади. Лекин, бизнинг фикримизча, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда молиянинг роли факат сарфланган маблағларнинг катта-кичиклиги ёки кқп-озлиги билан белгиланмайди. Бу жараёнда молиянинг роли бюджетдан сарфланган харажатларнинг самарадорлиги билан ҳам белгиланади. Бошқача айтганда, гап бу қринда бюджет маблағларининг қай даражада мақсадга мувофиқ сарфланганлиги ва улар сарфланаётган пайтда уларнинг қайтими масаласи қай даражада инобатга олинганлиги хусусида кетаяпти. Бу тўғрида биз курс ишимизнинг навбатдаги бобида батафсилроқ тўхталиб қтишга ҳаракат қиламиз ва бир вақтнинг ўзида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда молияни ролини оширишнинг асосий йўналишларини белгилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги қонунининг мақсади Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларини бошқаришдаги муносабатларни ғазначилик тизими қоидалари асосида тартибга солишдир. Мазкур қонунда кўрсатилишича, давлат бюджетининг ғазна ижроси давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисоб рақамига киритишдан, шунингдек, давлат бюджети харажатларининг шу ҳисоб рақамдан тўлашини кўзда тутати.

Маълумки, бозор иқтисодиётида давлатнинг молиявий ресурсларини бошқариш аҳамияти бекиёс ҳисобланади, шу сабабли юртимизда Давлат бюджети ижросини амалга оширишда ғазначилик тизимига қтиш зарурияти пайдо бўлмоқда. Ғазначилик бу - молиявий ресурсларга бўлган янгича қарашдир, бюджетнинг барча даромадларини жамлаш ва тақсимлашдаги янгича тамойил ва механизмларни ққллашдир. Ғазначилик тизимини жорий этишнинг афзалликлари қуйидагиларда намаён бўлади:

- Айрим бюджетларда ҳосил бўладиган вақтинчалик касса узилишини тезкор тартибга солиш учун ягона ғазначилик ҳисоб рақами орқали маблағларни ҳудудлар бўйича қайта тақсимлаш, барча даражадаги бюджет маблағларининг жипслашган бошқарувини таъминлаш;
- Бюджет ташкилотлари томонидан (ғазначилик органлари олдида) амалга оширилган харажатларнинг асослилигини тасдиқлаш(ҳисоб-фактуралар, юк хатлари, шартномаларнинг мавжудлиги, товарлар, ишлар ва хизматлар меъёрларига риоя этилши) механизмини жорий этиш йўли билан ажратиладиган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан олдиндан ва жорий моддалар бўйича назоратни қрнатиш;
- Бюджет ташкилотларининг харажатларини бюджет маблағларини тасарруф этувчилар, шу жумладан, вазирликлар ва идораларнинг банк ҳисоб рақамларини четлаб қтган ҳолда, товарлар, ишлар ва хизматлар етказиб берувчиларининг бевосита ўзларига тўлаш;

- Бюджет маблағларини олучилар харажатларининг ўз вақтида ва асосли тарзд тўланишини таъминлаш ҳамда бюджет ҳисоб рақамларидаги фойдаланилмаётган маблағларнинг сурункали туриб қолишига барҳам бериш;

- Барча даражадаги бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш сифатини яхшилаш ва уларни тақдим этиш муддатларини қисқартириш имконини беради

Ғазначилик тизими бюджет маблағларининг молиявий оқимини бошқариш, бюджет ресурсларининг кам миқдордаги қолдиқлари билан бюджет харажатларининг жорий ижросини таъминлаш имконини беради, бунда давлат бюджети даромадлари ва харажатларини тезкор ва якуний баланслаштиришга эришилади.

Ривожланган мамлакатлар амалиётидаги ғазначилик тизимини Ўзбекистонда ҳам жорий этиш ва ривожлантириш, давлатнинг молия ахборот тизимини шакллантириш, тезкор ва ишончли ахборотлар олиш имконини берадики, бу давлат молиясини самарали бошқаришни таъминлайди. Унумли фаолият кўрсатишнинг асосий шартларидан бири замонавий компьютерлар технологияси ва алоқа тизимидан фойдаланишдир. Ғазначилик органларида барча босқичларни, бюджетдан маблағ олувчилар ва бюджет маблағи тақсимловчиларининг ўзаро алоқасини электрон ахборотлар билан таъминлайдиган ва автоматлаштирилган тизимга раҳбарликни амалга оширадиган ахборот бўлими мавжуд бўлади.

Бозор иқтисодиётига қтиш даврининг характерли томони шундаки, молиявий ресурсларнинг, жумладан, давлат молиявий ресурсларининг чекланганлигидир. Бюджет маблағларининг етишмаслиги ва даромадларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тушмаслиги бюджет ижросида янги механизмларни ққллашни талаб этади. Ривожланган давлатларда молияни бошқариш асосан ғазначилик тизими орқали амалга оширилади.

Маълумки, бозор иқтисодиётида давлатнинг молиявий ресурсларини бошқариш аҳамияти беқиёс ҳисобланади, шу сабабли юртимизда Давлат

бюджети ижросини амалга оширишда ғазначилик тизимига қтиш зарурияти пайдо бўлмоқда. Ғазначилик бу - молиявий ресурсларга бўлган янгича карашдир, бюджетнинг барча даромадларини жамлаш ва тақсимлашдаги янгича тамойил ва механизмларни ққллашдир.

Республикамизда бюджетлар орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини молиявий маблағлар билан таъминлашда, қабул қилинган ижтимоий дастурларни, биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий ҳимояланган табақаларини аниқ тарзда ққллаб-қувватлаш, соғлом авлодни тарбиялаш асосида фаровонликни оширишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатнинг таъсирчанлиги ва аниқ тарзда молиявий ққллаб-қувватлашни кучайтиришда маҳаллий бюджетлар самарали ижросининг аҳамияти катта ҳисобланади.

Давлат бюджети ижросининг янги механизмини амалиётга киритиш бугунги кунда бюджет ислохотларининг йирик йўналишларидан бири десак, хато бўлмайди. Чунки давлат молиясини тўғри бошқариш зарурияти мавжуд, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш учун бюджет харажатларининг назоратини кучайтириш талаб этилади.

III-боб. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ғазначилик ижросини такомиллаштириш истиқболлари

3.1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ғазначилик ижросини такомиллаштириш борасидаги муаммолар

Ўзбекистон Республикаси мустақилдикка эришгандан сўнг давлатнинг молия-солиқ сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири молия тизимини ва унинг бўғинларини ислоҳ қилишдан иборат бўлди. Ушбу йўналишдаги муҳим муаммолардан бири - давлат молиясини, шу жумладан, бюджет тизимини такомиллатиришдан иборат. Шу маънода "Бюджет тизими тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қонунининг қабул қилиниши ҳозирги кун талаби ва муҳим ҳаётий эҳтиёждир. Ушбу қонун маълум маънода давлат бюджет сиёсатининг асосларини, бюджет тизими бўғинларининг ҳаёт тарзини, бюджет-солиқ алоқадорлигидаги диалектик боғлиқликнинг янги жиҳатларини очиб берувчи меъёрий-ҳуқуқий асос сифатида баҳолаш мумкин. Дарҳақиқат, бу соҳадаги давлат маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунга бўлган эҳтиёж анча сезиларли тус олган эди. «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг алоҳида бўлими турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар деб номланган ва унда бюджетлараро муносабатларнинг ҳуқуқий асослари ёритилган. Ушбу бўлимдаги асосий моддалардан бири 13-модда бўлиб, унда давлат бюджети маблағларини турли даражадаги бюджетлар ўртасида қайта тақсимлаш асослари кўрсатилган.

Давлат бюджетининг маблағлари турли даражадаги бюджетлар ўртасида қуйидаги тарзда қайта тақсимланади:

- умумдавлат солиқлари ва бошқа умумдавлат даромадлари бир қисмининг белгиланган меъёрларида турли даража бюджетларига ажратилиши;
- юқрри бюджетлардан қуйи бюджетларга бюджет субвенциялари ва дотацияларининг ажратилиши;

- юқори бюджет бўғинидан қуйи бюджет бўғинларига, қуйи бюджет бўғинларидан юқори бюджет бўғинларига бюджет ижроси жараёнида юзага келувчи ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағларнинг йўналтирилиши;

- бюджет ссудаларининг ажратилиши.

Маълумки, республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга ажратиладиган бюджет субвенциялари ва дотациялари давлат бюджети ҳақидаги қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади. Бундай ажратмалар миқдори қуйидагиларга боғлиқ:

- ҳудудлар молиявий ҳолатига, жумладан, улар ўз даромад базаларининг етарлигига;

- ижтимоий -иқтисодий, экологик, демографик ва бошқа умумдавлат вазифалари ва дастурларига;

- ҳудудлар бўйича товар (иш, хизмат) лар қийматидаги фарқларга;

- ҳар қайси ҳудудлар аҳолисининг сонига;

- ушбу ҳудудда жойлашган ташкилотларнинг бюджет ажратмаларига бўлган эҳтиёжига;

- ҳудудлар ўртасидаги молиявий номуносиблик (тафовут)ни бартараф этиш учун ҳисобга олинadиган бошқа омилларга.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари ва ҳаражатларидаги касса тафовути кассадаги нақд пул айланмасига, юқори бюджетлар ссудалари ҳисобига, олдинги даврлардаги фойдаланилмай қолган бюджет маблағлари ҳисобига қопланади.

Бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш ва бошқариш тизимида маҳаллий бюджетлар риоя қилиши лозим бўлган маълум чекланишлар муҳим аҳамиятга эга.

Маҳаллий бюджетлар бюджет қонунчилигига кўра, баланслашган даромадлар ва ҳаражатлар тизимида эга бўлишлари зарур. Маҳаллий бюджетларнинг ҳақиқатдаги тақчиллиги бўлиши мумкин эмас.

Мамлакат бюджет амалиёти тажрибаларини умумлаштириш асосида

Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабат янги тизимида маҳаллий бюджетлар потенциалини ошириш ва улар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш имкониятларини ёритиш мумкин.

Ушбу масала юзасидан таклифлар тизимини шартли тарзда **уч йўналишга бўлиш мумкин:**

1. Маҳаллий (худудий) мулкни шакллантириш ва уни бошқаришнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш.
2. Маҳаллий бюджетлар потенциалини мустаҳкамлаш мақсадида солиқ тизимини такомиллаштириш.
3. Бюджетлараро муносабатлар механизмни такомиллаштириш.

Маҳаллий мулкни шакллантириш юзасидан таклифлар қуйидаги тадбирларни ўз ичига олмоғи лозим: маҳаллий ер ва кўчмас мулк объектларини қонуний мустаҳкамлаш; мазкур мулк шаклидан ҳамда унинг объектлари (ер, кўчмас мулк)дан фойдаланиш, эгалик қилиш ҳуқуқи ва тартибларини рўйхатга олишнинг давлат тизимини яратиш; хусусийлаштиришнинг маҳаллий иқтисодиёт потенциали нуқтаи-назаридан тамойилларини такомиллаштириш, ер, кўчмас мулк объектларини молиявий баҳолаш услубияти ва амалиётини такомиллаштириш (ер кадастри ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш ва камчиликларни бартараф этиш); ипотека кредити ва унинг худудий муаммоларини ҳал этиш, худудий инфратўзилма тараққиётидаги ролини ошириш; оммавий савдолар тизимини шакллантириш ва бошқалар.

Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш мақсадида солиқ тизимини ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар солиқларнинг икки гуруҳини фарқлаш лозимлигига асосланади.

Тегишли бюджет бўғинига бириктирилган солиқлар ёки барча бошқариш органлари молиявий мустақиллигини, жумладан, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизимини таъминловчи бюджетлар квоталари.

Бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш мақсадларида қайта тақсимлаш учун фойдаланиладиган солиқлар.

Маҳаллий бюджетлар потенциални мустаҳкамлаш мақсадида конуний тарзда нафақат маҳаллий солиқ ва тўловларнинг таркибини аниқ белгилаб қўйиш, балки республика аҳамиятидаги давлат солиқларининг маҳаллий бюджетлар даромадларидаги улушлари динамикасини таҳлил қилиш ва янада такомиллаштириш ҳам зарурдир. Ушбу стратегик мақсадга эришиш юзасидан солиқ тизимини такомиллаштиришнинг қўйидаги **икки муҳим вазифасининг** бажарилишига эришиш керак.

1. Солиқ тизими жойларда ўз маҳаллий бюджетларнинг ўз солиқ базалари такомиллашувини ва мустаҳкамлашувини рағбатлантириши лозим.

2. Маҳаллий бюджетлар даромадлари умумий ҳажмида тартибга солувчи солиқлардан тушумларни ҳам қўшганда ўз даромадлари билан таъминланиш даражаси 70% дан кам бўлмаслиги лозим.

Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш юзасидан жаҳон амалиёти тасдиқлашича, маҳаллий бюджет бўғинлари ва давлатнинг марказий бюджети ўртасида юқори бюджетдан қуйи бюджетларига турли ажратмалар қилишга хизмат қилувчи ва маъсул-давлат бўғинининг (фондининг) амал қилиши муҳим аҳамиятга эга. Ушбу миқёсдаги махсус фондларга,

жумладан, Россия Федерациясида 1996 йилдан фаолият кўрсатувчи Россия Федерацияси субъектларини қўллаб-қувватлаш федерал фондини, 1996 йилдан Қозоғистон Республикасида амал қилаётган "Худудларни молиявий қўллаб-қувватлаш Фондини" мисол қилиш мумкин. Албатта, Ўзбекистон Республикасида "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонунда бу каби махсус фондни ташкил этиш кўзда тутилмаган бўлсада, республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга трансферт тўловлари тизимини маҳаллий бюджетлар потенциални мустаҳкамлаш мақсадида такомиллаштириш янги бюджет қонунчилигида бу каби тўзилмага

зарурият мавжудлигини кўрсатади. Шу муносабат билан республика бюджетидан ажратиладиган трансфертлар (молиявий ёрдамлар) миқдорини аниқлаш услубиётини кўриб чиқиш зарурияти тугилади. Бу масалада шундай хулоса қилиш мумкинки, Молия Вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган услубиёт оммалаштирилмоғи лозим. Яна шу нарса хусусиятлики, бюджет тизимини тартибга солиш мақсадида жон бошига нисбатан даромад ва харажатларни тақсимлашга асосланган ҳолдаги молиявий ёрдамни аниқлаш услубиёти. барча талабларга тўлиқ жавоб бермайди ва ҳудудлар маҳаллий "бюджетларининг ўз-ўзини таъминлаш ва бюджетларни тенглаштиришни рағбатлантириш воситаси бўла олмайди ҳамда айрим ҳолларда мавжуд нотёкис тараққиётга ғов бўла олмайди. Маҳаллий бюджетларга молиявий ёрдамни аниқлаш услубиётининг мазкур камчиликларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларда бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш учун бюджет ресурсларининг тақсимотида ҳар қайси маҳаллий бюджет субъекти ҳақиқатда эга бўлган "иқтисодий потенциал қиймати" ва "ундан фойдаланиш даражаси" ҳисобга олинмоғи лозим.

Маълумки, ҳудудлар иқтисодий потенциалидан фойдаланиш даражаси ўсиши билан улар бюджетларининг ўз-ўзини таъминлаш даражаси ҳам ўсиб боради. Ушбу аниқланган қонуниятни ҳисобга олган ҳолда биз бюджет дотациясига муҳтож бўлган туманлар дотацияларини тартиблаштиришнинг ўзига хос услубиётини ишлаб чиқдикки, унинг **моҳияти** қуйидагилардан иборат:

Дастлаб ҳар бир туман бўйича иқтисодий потенциаллардан фойдаланиш самарадорлиги коэффициенти (K_{un}) ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг иқтисодий потенциал қийматига нисбати сифатида аниқланади:

$$K_{un} = ЯХМ_n / ИП_n \quad (1)$$

бу ерда:

$ЯХМ_n$ — n -чи туман ялпи ҳудудий маҳсулоти;

ИП_n — *n*-чи туман иқтисодий потенциали;

n — туманнинг тартиб рақами.

Айнан шу тартибда вилоят бўйича иқтисодий потенциалдан фойдаланиш коэффициенти аниқланади:

$$K_{ипв} = \frac{\sum_{n=1}^M ЯХМ}{\sum_{n=1}^M ИП} \quad (2)$$

бу ерда:

K_{ипв} — вилоят иқтисодий потенциали;

m — вилоятдаги туманлар сони.

Юқорида таъкидланганидек, асосий муаммо иқтисодий, потенциал қийматини аниқлашда ётади. Биз мазкур тадқиқ жараёнида шартли тарзда иқтисодий потенциалнинг фақат икки элементидан (инвестицион потенциал - асосий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондлари, ишлаб —чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадларидаги запаслар ва резервлар; меҳнат потенциали - меҳнатга лаёқатли аҳоли, катта ёшдаги меҳнатга лаёқатлилар ва 16 ёшгача ўсмирлар) фойдаланиш билангина чекландик, чунки иқтисодий потенциалнинг яна бир муҳим омили -табиий ресурслар билан таъминланганлик даражасини аниқлаш анча мушкул масала ҳисобланади.

Бюджет дотацияларини коррективировка қилиш (тартиблаштириш) кўрсаткичи аниқланади. (1) ва (2) формулалардан кўринишича мазкур интеграллашган кўрсаткич ҳар бир туманнинг вилоят иқтисодий потенциалидаги улушини, ҳар бир туманнинг вилоят ялпи ички маҳсулотидagi улушини кўрсатадики, бунинг натижасида вилоят иқтисодий потенциалидан фойдаланишда алоҳида туманнинг иштироқи аниқланади. Ушбу иштирок (улуш) балларда баҳоланади:

$$P_n = K_{ипн} / K_{ипв} \quad (3)$$

бу ерда:

P_n — бюджет дотацияларини коррективировка қилиш кўрсаткичи;

n—*n*-чи туман;

K_{ипн} —*n*-чи

туманда иқтисодий потенциалдан фойдаланиш коэффициенти;

Kune — вилоят бўйича иқтисодий потенциалдан фойдаланиш коэффициенти.

1 балнинг дотацион баҳоси (**B**) аниқланади. Бунинг учун маҳаллий бюджетлар тақчиллишнинг умумий қиймати барча туманлар бўйича умумий баллар суммасига бўлинади. Бунда шуни назарга олиш лозимки, маҳаллий бюджетлар барча тақчиллиги (**ΣDn**) вилоят бюджетида бюджет дотациялари бўлмиш трансфертлар (**T.**) ҳисобига қопланади, деб ҳисобланади, яъни

$$\Sigma Dn = \Sigma Pn:$$

$$B = \sum_{n=1}^M Dn / \sum_{n=1}^M Pn \quad (4)$$

Ҳар бир туманнинг ўз иқтисодий потенциалидан фойдаланиш ҳолатини балл асосида баҳолашга (**Tn^{xuc}**) тўғри пропорционал бўлган ҳар қайси туман бўйича трансфертларнинг ҳисобланган катталиги аниқланади. Туманнинг балл асосидаги олган баҳоси канчалик юқори бўлса, трансфертнинг ҳисобланган суммаси шунчалик катта бўлади:

$$Tn^{xuc} = B * Pn \quad (5)$$

Ҳар бир туманга бериладиган дотацияларни коррективроқ қилиш суммалари аниқланади. У ёки бу туманга бериладиган бюджет трансфертларининг ҳисобланган қиймати ва ушбу бюджет тақчиллиги ўртасидаги фарқ ижобий ёки салбий, катта ёки кичик бўлиш мумкинки, мазкур натижа бюджет трансфертларининг ҳисобланган қиймати ва бюджет тақчиллиги миқдорига боғлиқдир:

$$\Delta Tn = (Tn_{xuc} - Dn) * \Pi \quad (6)$$

бу ерда:

ΔTn — **n**-чи туманга қилинган дотация коррективроқлиги суммаси;

Π — пасайтирувчи коэффициент.

Пасайтирувчи коэффициент (**Π**) республика бюджети даражасидаги

бюджет мутахассислари томонидан бюджет соҳасидаги реал ҳолатни ва вазиятни тўғри, ҳаққоний, ҳолисона баҳолаш асосида шундай меъёрга ўрнатилиши лозимки, бу бир томондан, маҳаллий бюджетларнинг иқтисодий потенциалдан самарали фойдаланишларини рағбатлантириши, манфаати жихатидан маҳаллий бюджетлар учун сезиларли бўлмоғи ва иккинчи томондан эса, туманларни имконсиз вазиятга, оғир шароитга солиб қўймаслиги лозим. Экспериментал ҳисоб-китоблар кўрсатишича, мазкур кўрсаткичнинг миқдори 0,05-0,1 атрофида бўлиши мумкин.

n-чи туманнинг иқтисодий потенциалдан фойдаланиш даражасини ҳисобга олган шароитдаги трансферт суммаси (Tn') дикланади

$$Tn' = Dn + DTn \quad (7)$$

Умумий тарзда дотацияга муҳтож туманларга бюджет дотацияларини иқтисодий потенциалдан фойдаланиш даражасига кўра коррективка қилиш моделй умумий тарзда қуйидаги кўринишда бўлади:

$$Tn = Dn + \left(\sum Dn : \sum \frac{YX Mn * \sum ИП n}{ИП n * \sum YX Mn} * \frac{YX Mn * \sum ИП n}{ИП n * \sum YX Mn} - Dn \right) * П$$

Фикрлар баёнининг янада жонли чиқиши учун бюджет дотацияларини иқтисодий потенциалдан фойдаланиш даражасига кўра коррективка қилишнинг шартли мисолини кўриб ўтамиз. Дастлабки берилган маълумотларни таклиф этилган услубиёт (бюджет дотацияларини иқтисодий потенциалдан фойдаланиш даражасига кўра коррективка қилиш) асосида таҳлил этиб натижаларни 2-жадвалда келтирамиз. Ҳисоб-китоблар кўрсатишича (5-жадвал), иқтисодий потенциалдан фойдаланиш коэффициенти юқори бўлган туманлар оширилган дотациялар, ушбу коэффициент паст бўлган туманлар эса пасайтирилган дотациялар оладилар. Бунинг натижасида дотацияларнинг умумий қиймати ўзгармай қолаверадики, бу нарса бюджетлараро муносабатлар тизимида молиявий дастак иқтисодий реализациясини таъминлайди.

Туманлар бюджет ҳолати ва иқтисодий потенциалидан фойдаланиш даражаси ҳақида дастлабки маълумотлар.

т/р	Туманларнинг бюджет ҳолати			Ялпи ҳудудий маҳсулот, млн сўм (ЯХМ _п)	Иқтисодий потенциал млн. сўм (ИП _п)
	Даромадлар минг сўм	Харажатлар, минг сўм	Тақчиллик минг сум		
1	20654	27310	6665	296	10378
2	22858	20197	6336	2605	24354
3	10437	24958	5521	265	16856
Ж:	62049	81474	18525	3166	60588

Ушбу жадвал маълумотларини туманларга ажратиладиган бюджет дотацияларини иқтисодий потенциалдан фойдаланиш даражасига кўра, коррективировка қилиш натижалари ифодаланган. Шундай қилиб, таклиф этилган услубиёт маҳаллий бошқариш органларини тез орада иқтисодий потенциалини ўзлаштириш-лари учун мажбур этади. Мазкур услубиёт асосида маҳаллий бюджетларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, иқтисодий потенциалдан фойдаланиш даражаси вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан юқори бўлган туманларда оширилган суммада дотациялар берилиши, иқтисодий потенциалдан фойдаланиш даражаси паст бўлган туманларда эса дотациялар миқдори айнан шу суммага пасайтирилиши лозим.

3.2. Давлат бюджети ғазначилик ижросини такомиллаштириш йўллари

Дастлабки босқичда яратилажак ғазна тизими барча асосий давлат муассасалари ва нобюджет маблағлари учун тўла марказлаштирилади. Тижорат банклари орқали иш олиб борадиган бошқа давлат муассасалари ва маҳаллий ҳокимликлар учун бюджет ижросининг мавжуд тизими маълум даражада ўзгартирилган ҳолда сақланиб қолади. Айни пайтда амалга ошириладиган операциялар салмоғига қараб лицензиялар сотиб олиш ва уларни бошқариш харажатларини камайтириш мақсадида компьютерлаштириш ва дастурий

маҳсулотларни турли даражадагилари қўлланилади. Аралаш тизимни дастлабки босқичларда қўлланилиши мавжуд тизим ва персоналлардан унумли фойдаланиш, бу эса ислохот харажатларини камайтириш ва айти пайтда унинг олдига қўйилган асосий вазифаларни амалга ошириш имконини беради.

Кўзда тутилаётган бюджет ижросининг ғазначилик тизими бизнинг республикамизда марказлаштирилган бўлади ва ўз ичига қуйидагиларни олади:

- ғазнанинг Бош бошқармаси;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ғазначилик бошқармалари;
- ғазначиликнинг туманлар (шаҳарлар) бўлимлари.

ғазна Молия вазирлиги қошида ташкил қилиниб, у юридик статусга эга бўлади. Молия вазирлиги ва ғазначилик хизмати ўртасида вазифа ва ваколатлар аниқ тақсимланади.

Давлат тизимининг ўзига хослигидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасида ғазначиликнинг марказлаштирилган тизими ташкил қилинган мақсадга мувофиқ. У касса нақдлиги ҳамда бюджет ижросини ҳисобга олиш ва назоратни ғазначиликнинг Ягона ҳисоб рақамида (ҒЯХР) марказлаштиришни кўзда тутди.

Амалда мавжуд бўлган ғазначиликнинг Ягона ҳисоб рақами ва касса нақдлиги, пул оқимларини бошқариш борасидаги турли ёндошишлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон учун ғазначиликнинг Ягона фаол ҳисоб рақами ва марказлаштирилган бухгалтерия назорати танлаб олинди. Унга асосан барча бюджет маблағлари ғазначиликнинг Ягона ҳисоб рақамида жамланади, тўловни амалга ошириш ҳақида буюртма ва уни тасдиқловчи ҳужжат ғазнага жўнатилади, ғазна назоратни амалга оширади ва тўловларни режалаштиради.

Вилоят ғазнаси қуйидаги функционал модулларга эга бўлади:

- Бюджет тушумларини бошқариш.
- Бюджет ажратмаларини чиқариш (ғазна рухсатлари).
- Бюджет муассасалари мажбуриятларини бошқариш.

- Нақддилиқни бошқариш.
- Тўловларни бошқариш.
- Бюджет ташкилотлари активларини бошқариш.
- Молиявий ҳисоботни тайёрлаш.
- Бюджет ташкилотлари активларини ҳисобга олиш.

Туман ғазначилик бўлимида қуйидаги фуикционал модуллар бўлади:

- Бюджет тушумларини бошқариш.
- Бюджет ажратмаларини чиқариш (ғазначилик рухсатлари).
- Нақддилиқни бошқариш.
- Тўловларни бошқариш.
- Молиявий ҳисоботни тайёрлаш.
- Бюджет ташкилотлари активларини ҳисобга олиш.

Янги молия йили бошлангунча Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари республика ва маҳаллий бюджетларнинг тасдиқланган ажратмалари лимитларини бюджет маблағларини бош эгалари ва тўғридан-тўғри бюджет маблағлари ишлатувчиларига етказадилар. Бюджет маблағларини олувчилар харажатлари тасдиқланган сметалари Молия вазирлиги ва тегишли молия органлари ахборот тизимларига киритилади. Тизим бюджет маблағларини ишлатувчиларнинг шартномавий мажбуриятларини ҳисобга олиш, уларни бажарилиши устидан назорат ва бюджет маблағлари етарли бўлмаганда уларни бажариш навбатини тавсия этиши керак.

ғазначилик бюджет даромадлари истиқболини белгилаш ва бюджетнинг харажатлар қисми (йиғмағсмета, жорий биринчи навбатдаги мажбуриятлар, шартномавий мажбуриятлар) режасини бажариш эвазига унинг касса нақддилигини кирим ва чиқимларини мослаштиришни таъминлаши керак ва у давлат бюджетини самарали ҳамда ўз вақтида ижросини таъминлашга ёрдам беради. Касса нақддигининг ҳар ойлик режалари тузилади ва бу ҳақда бюджет ташкилотлари хабардор қилинади.

Счет-фактуралар, бажарилган ишлар ҳақидаги далолатномалар ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар асосида бюджет маблағларини олувчилар ғазначилик

бўлимларига тўлаш учун счетлар тақдим этадилар. Режалаштирилган ажратмалар борлиги, товарлар (хизматлар) етказилганлиги ва тўловчи, маблағларни олувчиларнинг реквизитлари текшириб бўлингандан сўнг ғазначилик бўлимлари тўлов ҳужжатининг электрон версиясини тузади. Бунда қоғоз тўлов ва бошқа ҳужжатларининг асл нусхалари туман ғазнасида қолади.

Маблағлар ғазначиликнинг Марказий банкдаги Ягона ҳисоб рақамидан товарлар ва хизматлар етказиб берувчининг ҳисоб рақамига тўғридан - тўғри ўтказиб берилади.

Марказий ғазнадаги тегишли бюджетлар нақдлик назорат ҳисобларида амалга оширилади. Харажатлар нақдлик назорат ҳисобларидаги қолдиқлар доирасида юритилади. Назорат рақамларида маблағлар йўқлиги ёки етарли бўлмаганда тизим харажатлар амалга оширишга йўл қўймаслиги керак. Юқори бюджетдан қўйи бюджетга дотациялар, субвенциялар ёки бюджет ссудалари ажратишда тизим тегишли бюджетлар назорат ҳисобларига ўзгаришлар киритиш ҳамда бюджет ссудалари ажратиш имконини бериши керак. Ссудалар қайтарилган ҳолда ҳам тегишли бюджетлар нақдлик назорат ҳисобларига тегишли ўзгаришлар киритилиши керак.

ғазначилик тизими бюджет ташкилотларининг асосий фондларини ҳисоб рақамлари режаси бўйича бюджет таснифига асосан амалга ошириш имконини бериши керак. Сотиб олинган асосий воситалар бюджет ташкилоти томонидан амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ғазначилик бўлимларига топширилганидан сўнг ҳисобга олиниши керак. Молиявий активларни ҳисобга олиш ҳисоб рақамлари режалари асосида амалга оширилади.

Тизим кредитларни тўлаш графигини кузатиб бориш имконини бериши керак. Карзларни ёпиш графиклари қайта тузилган ёки ўзгартирилганда назорат рақамларига тегишли ўзгартиришлар киритиш мумкин бўлиши керак. Тизим алмашув курсининг ва акцияларнинг бозор курсини ўзгариши ва бошқа турли ўзгаришлар муносабати билан қайта баҳолашни юрғатиш имконини бериши керак. ғазначиликнинг Бош бошқармаси ҳукуматнинг ташқи ва ички мажбуриятларини ҳисобга олиб боради. ғазначиликнинг бўлимлари маҳаллий

ҳокимлик органларининг мажбуриятлари ҳисобини юргизади. Тизим барча ахборотларни ғазначиликнинг Бош бошқармасида жамланишини таъминлаши керак.

Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимини ислоҳ қилиш тегишли институционал ислохотлар ёки бюджет тизимида ташкилий-ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишни талаб этади. Ғазначилик тизими жорий қилиниши давлат бюджетини режалаштириш, харажатларни амалга ошириш ва уларни бошқаришга, молиявий ҳисобот, назорат вазифаларига ёндошиши ва бажариш ишларига жиддий таъсир қилади ҳамда бу функцияларни ҳозирги кунда амалга оширувчи субъектлар фаолиятига тегишли ўзгартиришлар киритиш заруриятини юзага келтиради.

ғазна асосан қуйидаги вазифаларни бажариш учун масъул бўлади:


1. касса нақдлигини бошқариш;
2. ҳар ойлик касса лимитларини белгилаш;
3. бюджет ташкилотлари мажбуриятларини рўйхатдан ўтказиш;
4. бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштиришни жорий назорати (тўлов хабарномалари назорати);
5. бюджет ижросини ҳисоби ва ҳисоботи.
6. давлат қарзи ва ҳукумат активлирини ҳисоби (молиявий ва асосий активлар)

Юқоридагилардан ташқари ғазна вазифаларига ҳисобга олиш ва молиявий ҳисобот ҳам киради.

1-иловада бюджет ижросида иштирок этувчи турли субъектларнинг ғазначилик жорий қилингунича ва қилинганидан кейинги вазифаларнинг тақсимланиши солиштирма ҳолати кўрсатилган. ғазна жорий қилиниши муносабати билан мавжуд тўлов амалиётлари ўзгаришидаги асосий ҳолатлар қуйидаги чизмада акс эттирилган. Тўловни амалга оширишга рухсат олиш касса нақдлигини ўтказишдан ажратилади.

Бюджет ташкилотларини касса лимитлари ҳақида хабардор қилиб бориш ғазна томонидан амалга оширилади (масалан, ҳар ойда), аммо молиявий ресурслар тармок

вазирликларининг банк рақамларига ўтказилмайди ва алоҳида ҳолатлардан ташқари барча ҳолларда улар ёпилиши керак. Маҳсулот ёки товар етказиб берувчиларга тўловлар ғазна томонидан амалга оширилади.




5-чизма. Бюджет тўловларини амалга ошириш

Ғазна касса нақдлиги кирим ва чиқимлари оқимини мутаносиблигини бюджетдаги харажатлар ва бюджет ижроси (йиғмағсмета) режаларини истиқболлаш асосида таъминлаб боради.

У касса нақдлилигини нормаллаштириши эвазига бюджетни қайта кўриб чиқишга олиб келмаслиги керак. Аммо иқтисодий шароитларнинг ноаниқлигини эътиборга олган ҳолда касса нақдлилиги кетишини ҳар ойлик мувофиқлаштириб бориш зарурдир. Ҳар ойлик касса нақдлиги режалари тайёрланиб ва бу ҳақда бюджет ташкилотлари муайян тартибда хабардор қилиб борилади. Масалан давлатлар бюджет ташкилотларини касса лимитлари ҳақида хабардор қилиб бориш учун йўриқномаларғсертификатлар амалиётини жорий қилишган.

ғазнанинг Бош бўғини (ёки вилоятлар ва туманлар бюджетлари бўйича ҳудудий бўғинлар) биринчи бўғинлар барча агентлари учун (тармоқ вазирликлари, вилоятлар тармоқ департаментлари) ҳар ойда касса лимитини кўрсатадиган сертификатлар чиқариб боради. Ўз навбатида сертификатлар иккинчи ва учинчи даражадаги агентларнинг касса лимитларини кўрсатадиган суб-сертификат ва суб-суб-сертификатларга бўлинади. Қуйидаги 6-чизмаларда республика, вилоятлар ва туманлар доирасида тўловларни ўтказиш тизими акс эттирилган.



6-чизма.

(*) иккинчи даражадаги ғазна бўлиmlари бўлиб тармоқ вазирлиги ички таркибига қараб вилоят, туман бўлиmlари ҳам бўлиши мумкин.

(**) бюджет ташкилотининг жойланишига қараб Марказий банк вилоят бошқармаси ёки танлаб олинган тижорат банки бўлими.

Марказий ҳукумат даражасида тўловларни ўтказиш.

Бу ерда:

1. ғазна томонидан хабар қилинадиган ҳар ойлик харажатлар (харажатлар сметасига асосланган) лимитлари (ваколатлар).

2.2 - бўғиндаги муассасалар орасида ҳар ойлик лимитларни тақсимланиши.

2а. Буюртмалар

2b. Республика ғазнаси томонидан аниқланган ва олинганлиги ҳақидаги белгига эга суб-йўриқномалар:

- ғазна муассасалари иккинчи бўғин бўлимлари;
- бюджет ташкилотлари.

3. Учинчи бўғин муассасалари орасида ҳар ойлик лимитларни тақсимланиши


3a. Буюртма

3b. Республика ғазнаси томонидан аниқланган ва олинганлиги ҳақидаги белгига эга суб-йўриқномалар:

- ғазна муассасалари учинчи бўғин бўлимлари;
- бюджет ташкилотлари.

4. Тўлов хабарномалари

5. Банк тўловини амалга ошириш учун тўловлар (персонал иш ҳақи).




7-чизма. Вилоятлар даражасида тўловларни ўтказиш

1. ғазна томонидан бериладиган (смета асосида) ҳар ойлик лимитлар (ваколатлар)

2. 2-бўғиндаги ташкилотлар орасида ҳар ойлик лимитларни тақсимланиши

- 2а. Буюртма
- 3б. Суб-йўриқнома
3. Тўлов хабарномаси
4. Банк ўтказуви ҳақида фармойиш



8-чизма. Туманлар даражасида тўловларни ўтказиш

1. Смета асосида ғазна хабар берадиган ҳар ойлик харажатлар лимити (ваколатлар).

5. 2-даражадаги ташкилотлар орасида тақсимланадиган ҳар ойлик харажатлар лимитлари

2а. Буюртма

3а.

3б. Суб-ваколатлар

6. Тўлов хабарномаси

7. Банк ўтказуви учун фармойиш

Бюджет ташкилотлари келгусида ҳам тўловларни амалга ошираверади, аммо бу тўлов хабарномалари банкларга тўғридан-тўғри бериш ўрнига ғазна бўлимларига назорат учун жўнатилади. ғазна назорати фақат мувофиқлаштирувчи назорат бўлади. ғазна мазкур тўловни амалга ошириш учун ҳақиқатда тўлов хабарномаси тўғри асосланганлигини (сметалар, касса лимитлари ва ҳ.к.) текширади.

ғазна рухсатини олгандан сўнг бюджет ташкилотлари иш ҳақини тўлаш учун ғазнанинг фискал агенти бўлиб аниқланган банкдан нақд пул олишлари керак.

Бюджет бўғинлари минтакавий равишда узоқ ёки етиб бориш қийин бўлган жойларда жойлашган ва донорлар томонидан молиялаштириладиган лойиҳалар бўлган алоҳида ҳолатларда қайд қилиб ўтилган амалиётни қўллаши мумкин, яъни ҳар ойлик аванс тўлови аввал ўтказилган маблағ қўлланилишини тасдиқлайдиган ҳисобот олингандан сўнг ўтказилади.

Юқоридагилар билан биргаликда ғазна томонидан юқори ҳажмлардаги шартномавий мажбуриятларни молиявий томондан назорат қилишлик ҳам таклиф этилади, шу жумладан касса нақдлилигига бўлган кейинги эҳтиёжларни режалаштириш учун ҳам.

ғазна назорати ажратмалар, сметалар, касса лимитлари, белгиланган ҳажмларга мос келишини ва тўлов ҳужжатларини тўғри тўлдиришлиги назоратидан иборат бўлади.

Бир томондан ғазна департаменти(бошқармаси) ва иккинчи томондан Молия вазирлиги бюджет бошқармаси ва ҳудудий молия бўғинлари ўртасида бюджет ижроси бўйича вазифаларни тақсимлаш ишлари ДМИҚ дастурини тайёрлаш жараёнида тўлақонли ҳал этилиши керак. Схематик равишда у қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилиши мумкин:

- Бюджет сиёсатига таъсир эта оладиган фаолиятнинг назорати (текшириш) бюджетни тайёрлаш жараёнига масъул бўлган Молия вазирлиги ва ҳудудий молия бўғинларининг бюджет бошқармалари орқали амалга оширилиши керак. У сметалар тайёрлаш ва бюджетни йил давомида тафтишини ўз ичига олади.

- Бюджет ва сметаларни мослиги, ёки касса назоратини таъминлашга йўналтирилган фаолиятни назорати (текшириш) ғазна функцияси ҳисобланади.

ғазначилик тизимининг жорий қилиниши бюджет маблағларидан самарали фойдаланишга ижобий таъсир этади.

ғазначилик тизими жорий қилиниши эвазига бюджет маблағларини олувчилар ҳисоб рақамларидаги ишлатилмай қолинган бюджет ва нобюджет маблағларини бюджет даромадлари ва харажатларининг барча операциялари бўйича Марказий банкда очиладиган Ягона ҳисоб рақамига жамлаш йўли билан уларни ўзга мақсадларга сарф қилинишига чек қўйилади. Масалан, 2002 йил давомида ҳар чоракнинг ўрталарида ўртача кунлик бюджет ташкилотлари ва давлат мақсадли жамғармалари ҳисоб рақамларидаги қолдиқлар 69,3 млрд. сўмни ташкил қилди, чорак охирига эса уларнинг қиймати ўртача 55,1 млрд. сўмга тенг бўлди.

Қайта молиялаштиришнинг йиллик ставкаси 22 фоиз бўлгани ҳолда бюджет ташкилотлари ҳисоб рақамларидаги қолдиқлар бўйича билвосита харажатларнинг ҳисобланган маблағлари ҳажми 2002 йилда чораклар ўртасига ҳисобланган маълумотларга асосан 16,6 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, чораклар охирига ҳисобланган маълумотларга асосан эса 13,2 млрд. сўмни ташкил қилган эди. ғазначилик тизимининг жорий қилиниши бундай харажатларни олдини олиш имкониятини беради.

6-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида ғазначилик тизимини жорий қилишдан қутилаётган иқтисодий самарадорликнинг дастлабки кўрсаткичлари

(жорий баҳоларда, млн. сўм)

I. Қутилаётган йиллик иқтисодий самара ва лойиха жорий қилингандан сўнги қўшимча харажатлар	I вариант	II вариант	III вариант
1. Давлат бюджети маблағларини жойлашдан олинган фоиз даромадлари	19800	5506	3300
2. Мақсадли ишлатиш вазифасини суистеъмол қилиш ҳолларининг камайиши	14700	14700	7300
3. Бюджет ташкилотлари персоналларини ушлаб туриш харажатларини камайиши	200	200	200
4. Тижорат банклари персоналларини ушлаб туриш учун харажатларни камайиши	960	960	960

5. ғазначилик тизими жорий қилиниши муносабати билан давлат молиясини бошқариш тизими қўшимча персоналларини ушлаб туриш учун харажатлар	653.6	653.6	653.6
- марказий аппарат	60	60	60
-вилоят бошқармалари	-15.4	-15.4	-15.4
-туманлар бўлимлари	609	609	609
6. Банкларнинг бюджет ташкилотларига хизматлари учун харажатлар	4700	4700	4700
7. Молия вазирлиги, ҳудудий молия органлари, ғазначилик бўғинларининг ахборот тизимларини ушлаб туриш учун қўшимча харажатлар	2000	2000	2000
Жами:	28306.4	14012.4	4406.4
Лойиҳанинг дастлабки баҳоси, млн сум	21807,5	21807,5	21807,5
АҚШ млн. Долларида	20,8	20,8	20,8
Ундан қарз маблағлари АҚШ млн долларида фоизлар харажати	10	10	10
Лойиҳанинг ўзини қоплаши	10 й	2 й	5 й

Эслатмалар:

1) Ўрнатилган фоизлар

I вариант - йилига 30% (жорий қайта молиялаштириш)

II вариант - йилига 10%

III вариант - йилига 6%.

2) Бир персонални ушлаб туриш учун ўртача йиллик харажатлар

-1,2 млн сўм банкларда;

-1,5 млн сўм Молия вазирлигида;

-0,7 млн сўм ҳудудий молия органларида.

3) Мижозлар топшириқларини ижро этиш учун банкларнинг ставкалари ўртача тарифлари: бир ҳисоб рақамидан иккинчи ҳисоб рақамига ўтказиш учун - 0,15% ўтказиш суммасидан, юридик шахслар учун нақд пулларни берилиши - 0,25%.

Бюджет ижросини ғазначилик тизимиға ўтилиши бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасида юзага келган касса фарқларини қоплаш учун бюджет ва нобюджет жамғармаларини бошқариш механизмини жорий қилиш эвазига Марказий банкдан олинадиган қисқа муддатли кредитларни камайитириш имконини беради. Ундан ташқари бюджет тақчиллигини молиялаштириш учун олинадиган қарзлар билан боғлиқ харажатларни барча даражадаги бюджет ва нобюджет жамғармаларини жамлайдиган йиллик ички молиявий режалаштириш механизмини жорий қилиш йўли билан соддалаштирилади.

ғазначилик тизими бюджет ташкилотлари томонидан етказиб берувчилар олдида тасдиқланган шартномалар асосида қабул қилаётган молиявий мажбуриятларини қатъий жорий йилга белгиланган лимитлар доирасида бўлишини таъминлайди ёки бошқача қилиб айтганда бюджет маблағларини ишлатиш устидан аввалдан назорат механизми ўрнатилади. Унга қўшимча сифатида қатъий манзиллилиқ ва тўловларни ўз вақтида амалга оширилишга эришилади, етказиб берувчилар ёки хизмат кўрсатувчиларга тўғридан - тўғри тўловларни кечиктириш ҳолатларини юзага келтирадиган факторлар, шу жумладан бюджет маблағларини эгалари томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган турли ноқонуний ҳаракатларни ҳам олди олинади ва бюджет маблағларини ишлатилиши устидан жорий назорат тизими ўрнатилади.

Бюджет ташкилотларининг ғазналардаги шахсий ҳисоб варақалари тизимини ташкил қилиниши Марказий ва тижорат банкларини бюджет касса ижроси, ҳисоби ва ҳисоботи каби уларга хос бўлмаган вазифаларни бажаришдан халос этади.

ғазначилик тизимининг жорий қилиниши бюджет штатлари сонини кўпайишига олиб келмаслиги кутилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, ғазначилик тизими жорий қилиниши муносабати билан бюджет ташкилотларидаги ҳисобхона ходимлари сони камаяди ва улар ғазначилик тизимиға ўтадилар. Қолаверса, банк сектори функцияларининг камайиши эвазига тижорат банкларидаги ходимлар сони оптималлаштирилади. Молия органлари, бюджет ташкилотлари ва тижорат банкларида ғазначилик тизимининг жорий қилиниши муносабати билан

персоналлар умумий сонининг қисқариши қуйидаги жадвалда акс эттирилган.

7-жадвал.

Давлат молиясини бошқариш тизими мутахассислари сони

	Амалдаг и	Таклиф қилинаётган ни	Ўзгари ши (Қ,-)
1. Молия вазирлиги ва Марказий ғазна: - Молия вазирлиги - Марказий ғазна	280	320 250	40
2. Вилоят молия бошқармалари ва ғазначилик органлари: -вилоят молия бошқармалари -ғазначилик вилоят органлари	777	755 587	-22
3. Тум.шаҳар. молия ва ғазначилик бўлимлари: - тум.шаҳар. молия бўлимлари - тум.шаҳарл. ғазна бўлимлари	2522	3392 1780	870
4. НТБ - жами	837	683	-154
ЖАМИ:	4416	5150	734
Бюджет ташкилотлари персоналлариининг камайиши	X	X	1000- 1050
Банклар тегишли ходимларининг камайиши			700-900

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, республикада ғазначилик тизимининг жорий қилиниши эвазига Молия вазирлиги ва унинг бўғинларида ишлаётган ходимларнинг сони 734 тага ортади. Айни пайтда бюджет ташкилотларининг ҳисобхоналарида банд бўлган ходимлар сони 1000-1050 тага ва тижорат банкларида бюджет операцияларига хизмат кўрсатаётган ходимлар сони 700-900 тага камаяди. Ғазначиликнинг ягона ахборот тизимини ишлаб чиқилиши ва тузилиши барча даражадаги бюджет аҳволи ҳақида тезкор маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш имконини беради ҳамда давлат даромадлари ва харажатлари касса ижросини таъминлашда бошқарув вазифаларини белгилаш учун ҳар кунлик мониторинг ўтказишга шароит яратади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қиладиган бўлсак, ҳозирги кунда озиқ-овқат маҳсулотлари бюджет маблағлари олувчилари томонидан сотиб олинганда, Молия Вазирлигининг 2007 йил 9 апрелдаги 798-сонли буйруғи асосида нархлар мониторинги амалга оширилиб келинмоқда. Бунда Ғазначилик ҳудудий бўлинмалари бюджетдан маблағ олувчилар томонидан харид қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари мониторинги Молия вазирлиги томонидан тақдим қилинадиган асосий истеъмол маҳсулотларининг ойлик ўртача нархлари тўғрисидаги маълумот асосида олиб борилмоқда. Бу эса озиқ-овқат маҳсулотларига ажратилган маблағлардан оқилона ва самарали фойдаланишга олиб келади ва нарх-наво мониторинги жуда катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Шунинг билан бирга дебитор ва кредитор қарздорликка чек қўйиш, ҳисоботларни соддалаштириш, бюджет ташкилотлари харажатлар сметасида тасдиқланган харажатларини бюджет таснифи бўйича харажат қилиниши назорат қилиш, бюджет ташкилотлари учун олинадиган ёки кўрсатиладиган хизматлар учун тузиладиган шартномаларни қонуний тузилиши, товарлар ёки хизматлар сифатли бўлиши учун тендерлар ва танловлар орқали шартномалар тузиш, бюджет маблағини аниқ мақсадлар сарфланишини назорат қилишлилиқ юқори самара беришидан далолатдир.

Юқоридагилар келиб чиққан ҳолда қуйидагича таклиф киритмоқчиман. Келгусида Ғазначиликда бюджет ташкилотлари томонидан сотиб олинувчи товарлар нархлари тўғрисида электрон маълумотлар базасини шакллантириш, уни тузиш ва янгилаб боришда Республика товар хом ашё биржасидаги нархлар котировкасини, Давлат Божхона қўмитаси маълумотлар базасини, республикадаги юқори мавқега эга бўлган ишлаб чиқарувчилар ва ихтисослаштирилган реклама нашрлари маълумотларини ҳисобга олиниб ҳудудий Ғазначилик бўлинмаларига етказиб берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунинг билан бирга Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан 9 хил маҳсулотга белгиланаётган ўртача

нархлар маълумоти изохига “агар худдий бозор нархлари белгиланган нархларга нисбатан паст бўлса бозор нархлари маълумот учун қабул қилинсин” матни киритилишини таклиф қиламан. Чунки белгиланган нархлар 1 ой муддатга берилган бўлиб, бу орада худдий бозор нархлари паст булиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида Газначилик Институтини жорий қилиш масаласи якин беш йилликларда мамлакатимизда амалга оширилаётган иктисодий ислохатларни чуқурлаштириш борасидаги ишларнинг муҳим қисми ҳисобланади. Газначилик тизимини жорий қилиш эъвазига Республикада давлат молияси, жумладан маҳаллий бюджет ресурсларни бошқариш самарадорлигини оширишда жиддий илгари силжиш юз беради. Республикада давлат бюджетини Газначилик ижроси жорий қилиниши бюджетни тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш урта муддатли фискал истикболлик ва бюджет сиёсатини олиб боришни жорий қилиш бюджет ижроси сифатини солиқлар йиғиш фаолиятини такомиллаштириш ва харажатларни Газначиликнинг ягона ҳисоб раками пиринципи асосида амалга ошириш қисқа муддатли молиявий режалаштириш яъни туловлар режасини жорий қилиш, ягона ахборот тизимини жорий этиш эъвазига бюджет ижросини ҳисобга олиш ва ҳисобот тайёрлашни яхшилаш, давлат қарзини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва режалаштиришни такомиллаштириш имконини беради.

Харажатлар сметаси ва штат бирликларни руйхатдан утказишда штат смета курсатгичларни тугри белгилаганлигини чуқур таҳлил қилиш бунинг натижасида ортиқча харажат ва штат бирликларни руйхатдан утказган молия органларнинг ҳам маъсулиятини ошириш ва жавобгарликга нисбатан қоралар белгилаш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
2. “Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги 2000 йил 14 декабрдаги Қонуни. //Солиқлар ва божхона хабарлари, 2001 йил №2.
3. “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида” ги қонуни. – Тошкент, 2007. 25 декабр.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни. //Халқ сқзи, 1997 йил 29 август.
5. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. // Халқ сқзи, 1998 йил 3 январ.
6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т.: Адолат, 1996. – 557 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий қорхона тўғрисида”ги 2003 йил 11 декабрдаги Қонуни. // Солиқ ва божхона хабарлари, 2004 йил 10 феврал, №6.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбирқорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида”ги 2000 йил 25 майдаги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2000. №5-6.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бюджетига солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар беришни тартибга солиш тўғрисида»ги 1999 йил 26 июн Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари. -Т.: Адолат, 2000.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбирқорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2005 йил 5 октябрдаги Фармони. // “Банк ахборотномаси” газетаси, 2005 йил 12 октябр, №41.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбирқорлик субъектларининг хўжалиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида”ги 2005 йил 24 июндаги Фармони. // “Тошкент

ҳақиқати” газетаси, 2005 йил 25 июн, №51.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2005 йил 14 июндаги Фармони. // “XXI аср” газетаси, 2005 йил 16 июн, №25.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркинлаштириш ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида”ги 2000 йил 11 февралдаги Фармони. // “Банк ахборотномаси” газетаси, 2000 йил, феврал, №4.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг ташкил этиш тўғрисида”ги 2009 йил 30 март Қарори // Халқ сқзи, 2009 йил 31 март, №66.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги 2009 йил 30 март Қарори // Халқ сқзи, 2009 йил 31 март, №66.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисидаги Низоми тасдиқлаш ҳақида» 2000 йил 23 декабрдаги Қарори. // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлар тўплами, №12, 2000.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. // Ишонч, 2000 йил 14 март.
18. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва қзғаришларимизнинг бош мақсадидир”. Президент И. Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йқналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // “Халқ сқзи” газетаси, 2008 йил 9 феврал сони.


19. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг ққшма мажлисидаги маърузаси. 2005 йил 28 январ.
20. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йқллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
21. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига қтишининг қзига хос йқли. –Т.: Ўзбекистон, 1993. – 128 б.
22. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йқлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. – 296 б.
23. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.1. – 364 б.
24. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.2. – 380 б.
25. Каримов И.А. Бунёдкорлик йқлидан. –Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.4. – 349 б.
26. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. –Т.: Ўзбекистон, 1997. – 48 б.
27. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликни таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. – 315 б.
28. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. –Т.: Ўзбекистон, 1997. Т.5. – 384 б.
29. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. – 686 б.
30. Брайчева Т.В. Государственные финансы. – Санкт Петербург.: Питер, 2001. – 278 с.
31. Бюджетная система Российской Федерации. Учебник под ред. Г.Б. Поляка. – М.: ЮНИТИ, 1999. – 370 с.
32. Бюджетный федерализм и межбюджетные отношения: проблемы и

- перспективы развития. Булатов А. Экономика. – М.: Бек, 2003. – 370 с.
- 33.Верхолаз М.А. Влияние степени использования экономического потенциала на состояние местных бюджетов. – Белград, Искра, 1997. – 91 с.
- 34.Бюджетная система Российской Федерации: Уч. Под ред. М.В. Романовского, О.В. Врублевской – 2-изд. – М.: Юрайт, 2000. – 615 с.
- 35.Вахобов А., Срожиддинова З. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети. – Т.: Молия, 2001. – 174 б.
- 36.Вахобов А., Жамолов Х. Согласование межбюджетных отношений. – Т.: Молия, 2002. – 239 с.
- 37.Йқлдошев Н., Турсунов Й. Солиқ ҳуқуқи. – Т.: Молия, 2000. – 212 б.
- 38.Карасева М.В., Крохина Ю.А. Финансовое право. – М.: НОРМА, 2001. – 230 с.
- 39.Годме П.М. Финансовое право. – М.: Прогресс, 2003. – 425 с.
- 40.Горский И.В. Налоги в рыночной экономике. – М.: Анкил, 2004. – 218 с.
- 41.Девере М.П. Экономика налоговой политики. – М.: Филинь, 2002. – 202 с.
- 42.Дмитриев М. Бюджетная политика в современной России. – М.: Московский Центр Карнеги, 2001. – 158 с.
- 43.Дмитриев М. Бюджетная политика в современной России. – М.: Московский Центр Карнеги, 1997. – 58 с.
- 44.Журавлева Л.В. Бюджетная политика как метод государственного регулирования. – М.: Дело ЛТД, 1998. – 164 с.
- 45.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Давлат бюджети. Ққув ққлланма / Тошкент Молия институти. – Т.: “IQTISOD–MOLIYA”, 2007. 84 бет.
- 46.Абдуллаев Ғ. А., Срожиддинова З. Х., Усипбаев Н. И. Государственные финансы Республики Узбекистан. Учебное пособие. – Т.: ТФИ, 2001.
- 47.Бабич А., Павлова Л. Государственные и муниципальные финансы: Учебник для вузов. – М.: Финансы: ЮНИТИ, 1999.
- 48.Бабич А., Павлова Л. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Учебник. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000.


49. Брюммерхофф Д. Государственные финансы: теория государственных финансов/ Пер. с нем. под ред. А.Кудрина, В.Дзгоева. Владикавказ: Пионер-Пресс, 2002.
50. Бушмин Е. В. Бюджет: процедуры и эффективность. – М.:Альтернатива-Евролинц, 2003.
51. Бюджетная система Российской Федерации: Учеб-ник/Под ред. М.Романовского, О.Врублевской. – М.: Юрайт, 1999.
52. Вавилов А. Государственный долг: уроки кризиса и принципы управления. –М.: Городец-издат, 2001.
53. Дробозина Л.А. Общая теория финансов. – М.: Банки и биржи, 1999.
54. Шарп У., Г.Александр, Дж. Бейли. Инвестиции. Пер. с англ. - М.: «ИНФРА», 1997. - 1028 с.
55. Ҷозибеков Д.Ҷ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. - Т.: «Молия» нашриёти, 2004. 332 б.
56. Ҷозибеков Д.Ҷ., Сабиров О.Ш., Мўминов А.Г., Қулжонов О.М. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. - Т.: «Fan va texnologiya», 2005. 308
57. Ромаш В.М., Шевчук В.И. Финансирование и кредитование инвестиций. Учеб. пос. -Минск:«КНИЖНИЙ ДОМ»,«МИСАНТА»,2005.- 160с.
58. Финансовый бизнес-план: Учеб. Пособие / Под ред. действ. Ф 59 члена Акад. инвестиций РФ., д-ра экон. наук, проф В.М.Попова./ - М.: «Финансы и статистика», 2002. - 480 с.
59. Пиндайк Роберт С., Рубинфельд Дэниел Л. Микроэкономика: Пер. с англ. - 2-е изд. - М.: «Дело», 2002. - 808 с. - (Сер. «Зарубежный экономический учебник»).
60. Радионова С.П., Радионова Н.В. Оценка инвестиционных ресурсов предприятий (инвестиционный аспект). - СПб.: «Альфа», 2002. - 208 с.: ил.
61. РОУЗ Питер С. Банковский менеджмент. Пер. с англ. со 2-изд. - М.: «Дело ЛТД», 1995. - 768 с.
62. Жуков Е.Ф. Инвестиционные институты. -М.:«ЮНИТИ», 1998. -196 с.

- 63.Липсиц И.В., Коссов В.В. Инвестиционный проект: методы подготовки и анализа. Учебно-справочное пособие. -М.:Издательство БЕК, 1996. - 304 с.
- 64.Умаров С. Агросаноат мажмуига инвестициялар жалб қилиш. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», 7-8-сон. 2005. 62-б
- 65.Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки: Хориж инвестициялари диққат марказида. «Банк ахборотномаси», 2005. 28 апрел, 19-20-сон, 15-б.
- 66.IMF working paper, “Exchange Rates, Convertibility, and Capital Flows Some Current Issues Facing Transition Economies”, prepared by R. Barry Johnston in July 2003.
- 67.IMF working paper, “Real Exchange Rate Levels, Productivity and Demand Shocks: Evidence from a Panel of 14 Countries”, prepared by Menzie Chinn and Louis Johnston in May 2002.
- 68.IMF working paper, “Exchange Rate Unification, the Equilibrium Real Exchange Rate and Choice of exchange Rate Regime: the case of the Islamic Republic of Iran”, prepared by V. Sundararajan and Michel Lazarein. In January 2001.
- 69.Stanley Fischer, ‘Maintaining Price Stability’; ‘Finance & Development’ / December – 2003.
- 70.Tom Nordman: Central Bank Intervention in the Foreign Exchange Market under Different Conditions and Exchange Arrangements; Hangzhou, China – 2002.
- 71.www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.
- 72.www.mf.uz-Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.
- 73.www.cb.uz- Ўзбекистон Республика Марказий банки сайти.
- 74.www.soliq.uz-Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси сайти.


И Л О В А Л А Р




1-илова. Бюджет тўловларини амалга ошириш



2-илова.



3-илова. Вилоятлар даражасида тўловларни ўтказиш



4-илова. Туманлар даражасида тўловларни ўтказиш